

10 16865
0

Л.ЗОХИДОВ

5071 АСМЭ
АЛИШЕР
НАВОИЙ
ИЖОДИДА
МУАММО
ЖАНРИ



86A-45217

Л. ЗОҲИДОВ

Контрольни

МК О'QISH ZALI

АЛИШЕР НАВОИЙ
ИЖОДИДА МУАММО
ЖАНРИ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1986

Ушбу рисолада ўзбек ва форс-тожик адабиётларида муайян ўринга эга бўлган муаммо жанрининг тарихи, бу жанр тараққиётида Алишер Навоийнинг ўрни хусусида фикр юритилади. Навоий яратган муаммо асарларидан намуналар келтирилади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:
филология фанлари доктори
СОДИР ЭРКИНОВ

Т а қ р и з ч и л а р:

филология фанлари доктори Б. ВАЛИХУЖАЕВ
филология фанлари кандидати А. МАДАМИНОВ

Лутфулла Захидов

ЖАНР МУАММА В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабоп китоблар таҳрир ҳайъати
тамонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир Н. Қосимова
Рассом Б. Хайбуллин
Техмуҳаррир В. Тарахович
Корректор П. Зокирова

ИБ № 3749

Теришга берилди 12.09.86. Босишга рухсат этилди 30.10.86. P02208. Формати 84x108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 3,36. Ҳисоб нашриёт л. 3,2. Заказ 211. Тиражи 2600. Баҳоси 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси. Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

3 $\frac{4603010201-3431}{M355(04)-86}$ 226—85

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1986 й.

1986 | ГБ узССР | Ю
А | 45217

КИРИШ

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихидаги деярли ҳамма жанрларда ижод қилиб, «кўп ва хўб» мерос қолдирди. Жумладан, буюк қалам соҳиби ўзбек ва форс-тожик тилларида кўпгина муаммолар ёзди ва форсий тилида бу жанр назариясига оид «Муфрадот» асарини яратди.

XV аср адабий ҳаётида муаммо ва унга яқин турган таърих, луғаз—чистои жанрлари анча кенг тарқалган бўлиб, ҳатто профессионал муаммоғўй шоирлар ҳам пайдо бўлган эдилар. Муаммо сарой шоирлари қўлида баъзан қуруқ эрмак воситасига айланган бўлса ҳам, лекин Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий каби гуманист шоирлар муаммо ва унга яқин турган жанрларга бадий тафаккурнинг бир меваси сифатида қарадилар. Уни бадий сўз санъатининг ўзига хос воситаси деб билдилар. Навоий даврида муаммо қондаларини билиш, бу жанрда ёзиш ва уни еча билиш, луғаз, таърихлар айтиш ва топиш бадий фикрни ўткирлаш воситаси ҳисобланган. Ҳатто пешқадам шоирлар ўз замонасидаги социал иллатларни фош этишда, ўз норозилиklarини ифодалашда муаммо жанридан моҳирона фойдаланганлар. Бу шоирлар яратган муаммоларнинг кўпи уларнинг ахлоқий-таълимий ва фалсафий қарашларини ўзида акс эттирган. Маълум қондалар асосида муаммолар ечилганда, шоир айтмоқчи бўлган нозик фикр бадий суратда исбот бўлиб, ўқувчида беқиёс завқ пайдо қилган.

Давр адабиётида муаммо ва унга яқин турган таърих, луғаз, иншо каби жанрларда ижод қилиш, мушоара кечалари ва адабий суҳбатларда уларни ўқиб ҳофиза ва бадий дид синаш, логик тафаккурни ўстириш одат тусига кирган эди.

XV асрда муаммо назариясига оид яратилган ва кенг тарқалган асарлар жумласига Абдураҳмон Жомий рисоаларини киритиш мумкин. Абдураҳмон Жомийнинг бу рисоалари ўз даврида ўқувчилар ва муаммоғўй шо-

ирлар ҳамда муаммо рисоласи ёзган кишилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» аса-рида 65 та муаммоғўй шоир ҳақида маълумот бериб, уларнинг ижодига баҳо берганда муаммоларини ҳам кўзда тутди. Бу шоирлардан беш кишининг муаммо назарияси ҳақида рисола ёзганликларини таъкидлайди. Улар Шарафиддин Али Яздий (II мажлисда), Мавлоно Юсуф (II мажлис), Мавлоно Сайфий (III мажлис), Мавлоно Бурҳониддин (IV мажлис) ва Мир Ҳусайн Муаммой (IV мажлис)лардир. Булардан Мир Ҳусайн Муаммой Нишопурий ўз рисоласини Алишер Навоийнинг даъвати билан ёзган. Бу асар ўз даврида ва ундан кейин ҳам шухрат қозонган эди¹.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да кўпгина муаммоғўй шоирлар ҳақида маълумот бериб, улар ижодини муаммо яратишдаги маҳоратлари орқали баҳолаши бу жанрнинг адабий ҳаётдаги муҳим ўрни ҳақида гувоҳлик беради.

Ўзбек адабиёти тарихида яратилган муаммолар орасида Навоий муаммолари алоҳида ўрин тутди. Шоир биринчилардан бўлиб ўзбек тилида муаммо жанрига йўл очиб берди. Навоийнинг ўзбек тилига ёзган 52 та ва форс-тожик тилида яратган 500 га яқин муаммосидан 373 таси бизгача етиб келган.

Навоийнинг «Муфрадот» асарига кирган 121 муаммо ҳам Шарқ поэзияси сирларидан чуқур хабардор бўлган истеъдодли шоир ижодининг етук меваларидир.

XV аср адабиётида муаммога бўлган қизиқиш натижа-сида муаммо назариясига оид қатор рисоалар яратилди. Шарафиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Муҳаммад Бадахший, Мавлоно Камолиддин, Мавлоно Бурҳониддин, Мавлоно Сайфи Бухороний, Мавлоно Юсуф ва бошқаларнинг асарлари шулар жумласидандир. Алишер Навоийнинг «Муфрадот»и бу жанрга оид асарлар рўйхатини тўлдирибгина қолмай, ўзига хос хусусиятлари билан янги бир ҳодиса сифатида майдонга чиқди. Муҳим томони шундаки, Навоий «Муфрадот» аса-рида муаммо назариясига оид чалкашликларга барҳам берди, унга оид қоидаларни тартибга солди. Рисолада баён қилинган назарий қоидаларни сермазмун ва бадий қимматга эга бўлган муаммо-мисоллар билан исбот қилди. Рисолада муаммо жанрига оид қоида ва усулларни их-

¹ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Тошкент. 1961. 34—149-бет.

чам шаклда, соддалаштирилган услубда баён қилиб берилиши замондошлар томонидан муносиб баҳоланган эди.

Давр адабиётида Алишер Навоий муаммо жанрининг усталаридан бири сифатида танилди. Шоирнинг ўзбек тилида, шунингдек, форс-тожик тилида кўплаб муаммолар яратгани маълум. Бундан ташқари адиб газал ва қасидаларида, рубоий ва қитъаларида, достонларида, ҳатто насрий асарларида ҳам муаммолар қўлайдики, улар ҳам юксак истеъдод эгаси бўлган шоирнинг бу жанрга қанчалик аҳамият билан қараганлигидан гувоҳлик бериб туради. Шунга кўра ҳам улуғ ўзбек шоирининг ҳаёти ва ижоди борасида тадқиқот олиб борган Е. Э. Бертельс, С. Айний, Ҳ. Олимжон, В. Зоҳидов, И. С. Брагинский, А. Мирзаев, В. Абдуллаев, О. Шарафиддинов, А. Ҳайитметов, Н. Маллаев, Э. Рустамов каби олимларнинг текширишларида Алишер Навоийнинг «Муфрадот» ва муаммо жанрига онд асарларига ҳам диққат қилинган ва бу хусусда диққатга лойиқ фикр-мулоҳазалар қайд этилган. Энг муҳими уларда марксча-ленинча таълимот асосида Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида мавжуд жанрлар қаторида муаммо жанрининг тутган ўрни, бу жанрнинг назарий ва амалий масалаларига диққат қилган улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг хизматлари илмий жиҳатдан тўғри талқин қилиб берилади.

Проф. Е. Э. Бертельс ўзининг «Алишер Навоий» монографиясида давр адабий ҳаёти ҳақида гапирганда, муаммо ва унга яқин турган жанрлар ҳақида ҳам кенг тўхтайдди. Е. Э. Бертельс бу давр адабиётининг характерли хусусиятлари сифатида адабий асар формасини мураккаблаштириш ҳисобига мазмунни қурбон қилиш авж олганлигини формал қасидалар, муаммо, таърих ва ҳатто формал ғазаллар мисолида шарҳлаб беради. Форма ҳисобига мазмунни қурбон қилишнинг давр адабиётининг тараққиётига салбий таъсир этганлигини ҳам тўғри қайд этади².

✓ Е. Э. Бертельс XIV—XV асрлар адабиётидаги муаммо ва таърихларнинг қуруқ шаклбозлик санъатидан иборат эканлиги ҳақида фикр билдирадидики, дарҳақиқат сарой доираларида фақатгина муаммо эмас, балки қасида, ғазал каби жанрлар ҳам рамзий образлардан иборат бўлганлиги ҳолда шаклбозлик, қуруқ эрмак воситасига айлантирилган эди. Адабиётшунослигимизда ке-

² Бертельс Е. Э. Навоий и Джами. М., 1948. С. 47.

йинча Е. Э. Бертельс фикрларига аниқлик киритиб, муаммо жанрининг ўз давридаги аҳамияти тўғрисида принципиал фикрлар билдирилди. Жумладан, Садриддин Айний «Алишер Навоий» монографиясида Алишер Навоий даври адабиётида муаммо жанрининг ўрни ҳақида сўз очиб унга бўлган турлича муносабатларни шарҳлаб беради. С. Айний таъкидлашича, XV аср ўзбек ва форс-тожик адабиётида бир қатор шоирлар шаклбозлик билан муаммо жанридан бир эрмак сифатида фойдаланишга уринганлар. С. Айний бу типдаги формалист шоирларни танқид қилиш билан бирга, прогрессив шоирлар бу жанрдан илғор ғояларни ифодалаш учун фойдаланганликларини таъкидлаб шундай дейди: «Ўз фикр ва мақсадини адабиётда муаммо йўли билан ифода қилиш у даврда катта аҳамиятга эга эди. Феодаллар мутлақ ҳоким бўлиб, ҳеч қандай қонунни тан олмайдиган вақтларда нозик фикрли шоирлар уларга қарши муаммо орқали майдонга чиқар эдилар»³. С. Айний бу асаридан Навоийнинг «Муфрадот»ни тўғрисида ҳам маълумот бериб, рисоланинг ёзилиш тарихи устида қисқа тўхтаб, XV асрдаги муаммогўйлик ва Навоийнинг унга муносабати ҳақида шундай ёзади: «Бу буюк адибнинг бошқа бир муҳим асари форс-тожик тилида ёзган «Муфрадот» бўлиб, унда муаммо ва унинг амаллари ҳақида гапирилади. Навоий замонида шеърининг янги чиққан жанрларидан бири муаммо эди. Муаммо жанри XV асрнинг бошларида пайдо бўлган бўлса ҳам, бу жанр қоидаларини тартибга солиб, у ҳақда китоб ёзган киши Шарафиддин Али Яздий бўлди. Лекин Навоий бу жанрни кўп ривожлантириб уни оддий шеър қаторига кириб қолишига сабаб бўлди» (С. Айний бу ўринда «Муаммо янги чиққан жанрлардан бири» деганида ўзбек адабиётини кўзда тутган бўлса керак)⁴. С. Айний ўзининг сўз бораётган монографиясида илова сифатида Навоийнинг «Муфрадот» асаридан Одам, Малик, Валад, Вали, Шамс, Тақи, Салмон, Кофи, Бек, Ражаб, Фаррух, Жобир, Шараф, Шаҳоб исмларидаги муаммоларини ҳалли билан келтиради.

С. Айний Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг муаммо жанрида ҳам ўз фикрларини ифодалаш учун усталик билан фойдаланганликлари ва улар бош-

³ Садриддин Айний. Куллиёт. Ҷилди II. Китоби 2. Душанбе. 1963. Саҳ. 370—371. (Рисола имкониятлари назарда тутилгани ҳолда тожик тилидаги манбалардан олинган мисоллар автор таржимасида берилди).

⁴ Уша асар. 365—366-бетлар.

қа асарларда ҳам муаммога мурожаат қилганликлари ҳақида шундай дейди: «Мир Алишер Навоий ўзининг ўзбек ва тожик тилидаги ҳам назм, ҳам насрий асарларида муаммодан жуда кўп фойдаланар эди... Навоий ўз фикр ва даъволарини сўз ўйинлари орқали исбот қилиш ва бу санъатда ҳам ўз ҳунарини кўрсатиш учун муаммони ишлатар эди»⁵.

Садриддин Айнийнинг муаммо жанри тўғрисидаги бу фикрларини қувватлаб проф. Абдулғани Мирзоев «Биной» монографиясида ёзган эди: С. Айний «Алишер Навоий» рисоласида бошқа адабий масалалардан қатъи назар муаммо жанрининг тараққиёти ва унинг ҳақиқати тўғрисида Е. Э. Бертельснинг шу ҳақда баён қилган фикрига нисбатан янги маълумотни илова қилади⁶.

Алишер Навоий ижодиётининг илк тадқиқотчиларидан бири бўлган Ҳамид Олимжон 1941 йилда ёзган «Алишер Навоий юбилеи олдидан» номли мақоласида Навоийнинг ўзбек поэзияси жанрлари тараққиётига қўшган ҳиссаси, муаммо билан қизиқиши, бу жанр назариясига онд «Муфрадот» асарини яратганлиги, бу асар қўл-ёзмасининг топилганлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек бу мақолада Навоий даврида муаммо жанрининг кенг тарқалиши, прогрессив шоирларнинг илғор ғояларни очишда ундан усталик билан фойдаланганликлари, Алишер Навоий ва Зайниддин Маҳмуд Восифийлар орасидаги муаммогўйлик, «Муфрадот»нинг яратилиши ва адабий ҳаётда тутган роли ҳақида ҳам маълумот берилади. «Муфрадот»нинг Навоий асарларини ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади⁷.

Проф. А. Ҳайитметовнинг «Навоийнинг ижодий методи» асаридаги Алишер Навоийнинг муаммо меросини илмий ўрганиш зарурлиги ҳақидаги қуйидаги фикрлари ғоят муҳимдир: «Шартлилик адабиётнинг, ҳатто жанр хусусиятларига ҳам катта таъсир кўрсатган. Бунга муаммо яққол мисол бўла олади. Бунда бир одамнинг номи яширинган бўлади. Лекин бу асарнинг асосий идеяси шу топшимоқлик хусусиятида, бир одамнинг номини яшириб айтишда эмас. Унинг асосий идеяси одам номидан ҳам яширинган бўлади. Навоий каби улуғ санъаткорлар бу жанрдан ҳам ўзларининг илғор ғояларини пардали

⁵ Уша асар. 372-бет.

⁶ Абдулғани Мирзоев. Биной. Душанбе. 1957, саҳ. 17.

⁷ Ҳамид Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. X том. Тошкент. 1984. 103—104-бетлар.

ифодалаш учун фойдаланганлар. Лекин Шарқ халқлари адабиётларининг баъзи текширувчилари бу адабиётларнинг кўздан кечирилган ушбу хусусиятларига қараб, бунинг тарихий сабабларини чуқур текшириб кўрмай, уни камситадилар, унга юзаки баҳо берадилар... Бизнингча, ўзбек классик адабиётига ҳам марксизм-ленинизм нуқтан назаридан тўғри баҳо бериш учун ҳар бир катта ва кичик асарни тарихий тараққиёт фонида текшириш, унинг ривожланишидаги специфик хусусиятларини бундан буён махсус равишда яна чуқурроқ анализ қилиш керак»⁸.

Алишер Навоий давридаги адабий ҳаётда муаммо жанрининг кенг тарқалганлиги ва Навоий, Жомий каби шоирларнинг муаммога қарашлари ҳақида А. Ҳайитметов ўзининг «Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» ва «Навоий лирикаси» асарларида ҳам диққатга сазовор маълумотлар беради. Олим ўзининг мазкур асарларида Навоий ва Жомий каби буюк шоирларнинг муаммо орқали ўз илғор ғояларини ифода қилганликлари, Алишер Навоийнинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги муаммолари ўзига хос мазмун ва санъат билан ёзилган ва ўқувчига ажойиб бадиний завқ бағишлайдиган лирик асарлар эканлигини таърифлайди⁹. Фикрининг исботи сифатида Муҳсин, Саъд, Ҳилол исмларига айтилган Навоий муаммоларини ҳалли билан келтиради.

✓ Проф. Н. Маллаев ҳам «Ўзбек адабиёти тарихи» асарида XV асрда муаммо жанрининг кенг тарқалганлиги, Навоий ва Жомийнинг бу жанр орқали тараққийпарварлик фикр ва мулоҳазаларини илгари сурганликлари, лекин дидсиз аристократ шоирлар муаммони шаклбозликка айлантириб келганликлари фактини таъкидлайди¹⁰.

Кейинги йилларда Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асари махсус ўрганилди ва шоир яратган муаммоларнинг давр адабиётидаги ўрни масаласида тадқиқотлар юзага келди¹¹.

⁸ Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент. 1963. 152—153-бетлар.

⁹ Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент. 1959. 189—191-бетлар; Навоий лирикаси. 1961. 50—51-бетлар.

¹⁰ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. 1974. 217-бет.

¹¹ Зоҳидов Л. Алишер Навоийнинг «Рисолаи муфрадот» асари ҳақида. Адабий мерос. 1968. № 1; «Ўзбек адабиёти тарихи». II том. Тошкент. 1977. 435—440-бетлар.

Эрон адабиётшуноси Рукниддин Ҳумоюнфаррух томонидан Али Асғар Ҳикмат сўз бошиси билан 1963 йили Алишер Навоий туғилган куннинг 522 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Девони амир Низомиддин Алишер Навоӣ — Фоний» китобига Навоийнинг «Девони Фоний»га кирган муаммоларидан 16 таси: Одам, Амн, Омир, Обил, Афлах, Амон, Анис, Аёз, Илёс, Унс, Афзал, Али, Ихтиёр номларига айтилган муаммолари киритилган¹². Рукниддин Ҳумоюнфаррух муаммоларга изоҳ бериб: «Амир Алишер девонида беш юз байтдан ортиқ муаммо бор. Муаммо амир Алишер Навоий даврида адабий жанр турларидан бири бўлиб, у жуда ривожланган эди ва амир Низомиддин Алишер Навоийнинг ўзи ҳам муаммо фанининг устаси бўлиб унга жуда ҳам эътибор берган», — деб ёзади.

Али Асғар Ҳикмат ўзининг шу асардаги «Нусхаи «Девони Фонӣ» («Девони Фоний нусхалари») сарлавҳали сўз бошисининг «Ақсоми шеър дар девон» («Девонда шеърлар тақсими») қисмида девондан ўрин олган шеърларни санаб, «ғазалиёт, муқаттаот, мароси ва моддаи таърих, рубоӣёт» тарзида характерлар экан, сўз сўнгида: Девонда кўпгина муаммолар ва байтлар ва фардлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни тадқиқ қилиш олдимизда турган вазифалардандир¹³, дейди.

Алишер Навоийнинг «Муфратот» асарини ва шоир қолдирган бой муаммо меросини кўздан кечирсак, шубҳасиз улуғ адибнинг адабиётимиз тарихига қўшган буюк хизматлари янада яққолроқ намоён бўлади.

Ушбу ишда Алишер Навоий даврининг адабий ҳаётида анча кенг тарқалган ва маълум аҳамиятга эга бўлган муаммо жанрининг назариясига оид мазкур «Муфратот» асари шунингдек, Навоийнинг «Ҳазоинул маоний»га кирган ўзбек тилидаги ва «Девони Фоний»дан ўрин олган форс-тожик тилидаги муаммолари, буюк адибнинг бошқа бадий асарлари таркибидаги муаммоларга тўхтаб ўтилади. Шу билан бирга муаммога яқин турган луғаз ва таърих жанрлари ҳақида ҳам фикр юритилади.

¹² Девони Амир Низомиддин Алишер Навоӣ — Фонӣ, басаъй ва эҳтимоми Рукниддин Ҳумоюнфаррух. Техрон, 1343.

¹³ Уша асар.

XV АСР АДАБИЁТИДА МУАММО ЖАНРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Муаммо сўзининг луғавий маъноси «кўр қилинган» (араб тилида аъмо — кўр демакдир) ёки «яширинган» деган мазмунни англатади. Ҳозирги ўзбек тилида «муаммо» сўзи «ечилмаган», «ҳал этилмаган» каби маъноларда қўлланилади.

Муаммо Шарқдаги кўпгина адабиётларда, жумладан ўзбек адабиётида поэтик жанр сифатида аксарият бир байт фард, баъзан рубой, қитъа, туюғ, баъзан эса ғазалдан иборат шеър бўлиб, ундан турли қоидалар воситасида маълум ном ёки тушунчаларни чиқариш талаб этилади. Муаммо насрда, кўпроқ унинг сажъ формасида ҳам келиши мумкин. Ҳамма муаммо назариётчиларининг таъкидлашларича, муаммо «каломи мавзун», яъни вазни—ўлчовли сўздан иборат бўлиб, ундан турли қоидалар воситасида чиқарилган исмнинг тўғрилиги соғлом шеър таъбига эга бўлган кишиларда ишонч ҳосил қилиши зарур.

Муаммоларнинг ечилишида адабиёт назариясидаги бадий санъат қоидалари, шунингдек шарқ поэтикасининг чуқур сирлари, араб тили грамматикаси қоидалари, араб алфавитидаги ҳарфларнинг шакл ва ном хусусиятлари, ҳарфларнинг сон қиймати, яъни абжад ҳисоби, ой ва йил ҳисоблари, астрономиядаги буржлар, рақамларнинг шакллари ва ҳоказоларни билиш талаб этилади.

Адабиёт тарихида муаммо кўп жиҳатдан бошқа бадий санъат воситалари билан боғлиқ. Масалан, муаммодаги талмеҳ, тародиф, киноят, тасҳиф, истиора, ташбиҳ, акс, қалб каби қоидалар адабиётшуносликдаги турли бадий санъат воситалари бўлиб, улар муаммо амалларида фойдаланиб келинган.

Муаммо назариётчиларининг таъкидлашларича, муаммо орқали баён этилган фикр уни ечганда исбот бўлиши ва у ўқувчида маълум воқеа, ҳодиса ёки шахс тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши ва ўз ечими билан унда катта завқ ҳосил қилиши керак. Фикримизнинг

исботи учун Алишер Навоийнинг Саъд номига айтган машҳур муаммосига диққат қилайлик:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от¹.

Кўриниб туриптики, муаммода инсоннинг энг яхши хусусияти — яхшилик билан ном чиқариш улуғланган. Бу муаммо «исқот» амали асосида ёзилган бўлиб, «Саодат» سعادت дан яхшилик билан «от» آن чиқарилса, سع Саъд — бахт, толе маънолари қолади. Манбаларда муаммо бир ёки икки байт шеърдан тузилади, дейилади. Лекин Шарафиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби шоирларнинг муаммо ва муаммо ҳақидаги рисолаларини мутолаа қилар эканмиз, муаммонинг фард, рубоий, қитъа, туюқ, ғазалдан ҳам иборат бўлишини ва у насрда ҳам келиши мумкинлигини кўрамиз.

Манбаларда муаммо жанрининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин форс-тожик адабиётига онд яратилган асарларда, жумладан Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадоиқус — сеҳр фи дақоиқ уш-шеър», Шамсиддин Қайс Розийнинг «Алмуъжам фи маоир ашъорул-ажам» каби асарларида муаммога таъриф берилиб, мисоллар келтирилиши, Шарафиддин Али Яздийнинг муаммо ҳақидаги «Хулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғаз» рисоласида Анварий ва Бадр Чочийларнинг луғаз ва муаммоларидан намуналар берилиши форс-тожик адабиётида бу жанр XII асрда пайдо бўлганлигидан дарак беради.

Проф. Е. Э. Бертельснинг ёзишича, муаммо ҳақида биринчи марта 1392 йилда Бадиъ Табризий деган олим «Иҳё би илми ҳаллал муаммо» номи билан қўлланма яратган².

Муаммо тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардан бири Шарафиддин Али Яздийнинг «Хулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғаз» («Муаммо ва луғаз ҳақида зийнатли ипак кийимлар») асаридир. Шарафиддин Али Яздийнинг бу асарида шунингдек муаммо ҳақида ёзган бошқа муаллифларнинг рисолаларида ҳам муаммо «фан» ва «санъат» сифатида талқин қилинади. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк шоирлар муаммо, луғаз, таърих каби жанрларга бадиий та-

¹ Алишер Навоий. Наводируш-шабоб. Тошкент. 1963. 719-бет.

² Бертельс Е. Э. Навои и Джами. М., 1965. С. (28) 42

факкурнинг меваси сифатида қараганлар, уни бадний сўз санъатининг муҳим бир воситаси деб билганлар. Шунинг учун ҳам Навоий даврида шоирларнинг бадний маҳорати баъзан ҳатто муаммо орқали синалган, баҳоланган. Муаммо қоидаларини билиш, улар асосида муаммо ёзиш, муаммоларни ечиш, луғаз ва таърихлар айтиш ва топиш бадний фикрни ўткирлаш воситаси ҳисобланган.

Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар бадний асарнинг шакл ва мазмун бирлигига ўзларининг муаммо, луғаз ва таърихларида ҳам эътибор берганлар. Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асарида «Исқот» амалига келтирилган Тоҳир исмидаги муаммога диққат қилайлик:

Аз ошени хеш чу дур афканд қазош,
Дар мурғи дил рамида нигар оҳи дилхарош.
(Қазо уни ўз ошенидан узоққа ташлаганда,
Дили ҳурккан қушнинг кўнгил тирновчи оҳига қара.)

«Мурғ» — қуш сўз араб тилида طير — бўлиб, унинг дили, яъни ўртадаги ی ҳарфи ҳуркиб кетса, طر қолади. Энди бу дили ҳурккан қушнинг дили ўрнига кўнгил тирновчи «Оҳ» — اھ кирса, طاهر — Тоҳир исми ҳосил бўлади.

Кўришиб туриптики, бу муаммода Навоийнинг «ошенидан» — ватанидан айрилган киши дилидан айрилади, унда дил ўрнида кўнгил тирновчи оҳу нолани кўриш мумкин, деган ватанпарварлик аҳамиятига эга бўлган фикри ётади.

Ёки Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи муаммои мутавассит» асарида «Интиқод» қоидасига Ҳусайн номига мисол келтирган қуйидаги муаммони кўздан кечирайлик:

То зи рун чавр ронди ростонро з-остон,
Ҳаст аз ин сурат миёни дўстон сад дoston.
(Жабр-зулм қилиб тўғри кишиларни остонангдан қувдинг,
Шунинг учун бу ҳақда дўстлар орасида юз дoston
айтилаётир).

«Остон» استان сўзидаги «Ростон», яъни тўғрилар икки алиф бўлиб, улар «Остон»дан қувилса ستن қолади ва «Жавр» جور нинг юзи ج ҳарфи қўшилса جستن ҳосил бўлади. Муаммонинг «тародиф» қоидасига

асосан унинг ҳамшақли ёки муродифи حسین — Ҳусайн бўлади.

Бу муаммонинг Жомий томонидан қачон айтилганлиги маълум эмас. Лекин мазмунига кўра, у Алишер Навоий Астрободга юборилган вақтда Ҳусайн Бойқарога қарата айтилганга ўхшайди. Тўғриларнинг остонадан қувилиши ва бу воқеа дўстлар орасида дoston бўлиши, бунинг устига муаммо Ҳусайн номига ёзилиши шунга ишора бўлиши мумкин.

Навоий ва Жомийлар ҳамма жанрларда, шу жумладан муаммода ҳам яхши асарлар яратиш мумкинлигини ўз ижодларида исбот қилдилар.

Алишер Навоий даврида муаммо жанри ниҳоят тараққий қилди. Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитида бу жанр билан шуғулланмаган шоир кам топилар эди. Муаммога бўлган қизиқиши ва унинг тараққиёти натижасида бу жанр назарияси ва унинг қоидалари ҳақидаги рисолага эҳтиёж туғилди. Шарафиддин Али Яздийнинг бу мавзудаги рисоласи жуда ҳам мураккаб эди. Алишер Навоий даъвати билан бир неча шоирлар бу фан ҳақида рисоалар яратдилар. Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ»да хабар беришича, Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бадахший ва Мавлоно Камолиддин Мир Ҳусайн каби шоирлар муаммо жанри қоидаларига бағишлаб рисоалар ёзганлар.

Мавлоно Юсуф, Мавлоно Сайфи Бухорой, Мавлоно Бурҳониддин каби шоирларнинг ҳам муаммо назариясига оид асарлари бор эди.

Навоийнинг даъвати билан муаммо назарияси ҳақида рисола ёзганлардан бири Мир Ҳусайн Нишопурий Муаммой бўлиб, адиб «Мажолисун-нафоис»да унинг ижоди ҳақида батафсил тўхтади ва унга катта баҳо бериб, Носир номига айтган бир муаммосини мисол келтиради³.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»нинг Ҳирот шоирлари ҳақидаги бобида бу шахс ҳақида маълумот бериб айтган эди:

«Яна Мир Ҳусайн Муаммой эди. Голибо муаммони онча ҳеч ким айтган эмас. Ҳамиша авқоти муаммо фикрига масруф экандур. Ажаб фақир ва номурод ва бебахт киши экондур»⁴.

³ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Тошкент. 149—150-бетлар.

⁴ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 1960. 243-бет.

Мир Ҳусайн рисоласида жуда кўп муаммолар орасида Навоий, Фоний, Мир номларига 7 та ва Жомий номига айтилган 2 та муаммо бор. Уларда муаллифнинг бу икки буюк сиймога бўлган муҳаббати, бу адибларнинг ўз даврларида фозил кишилар қошидаги эътиборлари намоён бўлади.

XV аср адабий муҳтида муаммо билан кўп шуғулланган, унга қайта-қайта мурожаат қилган қалам соҳиб-би тожик халқининг буюк забардаст шоири Абдураҳмон Жомийдир. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг кенг маънодаги ибратли дўстлигида муаммо соҳасидаги ҳамкорликлари алоҳида диққатга сазовор. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Абдураҳмон Жомий ўзининг муаммо ҳақидаги ҳамма рисоаларини Алишер Навоий илтимоси билан ёзган. Бундан ташқари, Жомий Алишер Навоий номига муаммолар ёзади, ўз рисоаларида Навоий муаммоларини маълум қондага мисол сифатида ишлатади, ўз навбатида Алишер Навоий ҳам ўз рисоласини ва баъзи муаммоларини Жомий маслаҳатлари асосида яратади.

Бу давр адабий муҳтида муаммо рисоаларига эҳтиёжнинг катталиги, Шарафиддин Али Яздийнинг юқорида қайд этилган муаммо рисоласи жуда ҳам мураккаб бўлганлигини назарга олиб Абдураҳмон Жомий 1452 йилда «Ҳулятул-ҳулал» ёки «Рисолаи муаммон кабир» рисоласини яратади. Жомийнинг бу рисоласи ва бошқа мавжуд рисоаларнинг ҳам мураккаблиги туфайли Алишер Навоийнинг илтимоси билан Жомий яна учта, яъни «Рисолаи муаммои мутавассит», «Рисолаи муаммои сағир» ва «Рисолаи муаммои манзуми асғар» рисоаларини яратди ва бу рисоалар ўз даврида муаммо мухлислари учун қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Абдураҳмон Жомийнинг мазкур асарлари муаммо ва уни ечиш йўллари ҳақида ўша даврдаги адабиётшуносликка оид назарий асарлардир. Бу рисоаларнинг кириш қисмида дастлаб муаммога таъриф берилади. Баъзиларида муаммо ва унинг луғаздан фарқи айтилади. Кейин муаммо, унинг таркибий қисмлари, услублари классификация қилиниб, қоидалар берилади ва ҳар бир қоидага бир неча мисоллар келтирилади.

«Рисолаи муаммои кабир» ёки «Ҳулятул-ҳулал» рисоласи Жомийнинг тўнғич асари бўлиб, Шарафиддин Али Яздийнинг мазкур «Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғаз» асарига жавоб тарзида ёзилган.

Жомийнинг иккинчи ва учинчи асарлари — «Рисолаи муаммой мутавассит» ва «Рисолаи муаммой сағир» рисо-
лалари «Хулятул-хулал»га қараганда ўқилиши осонроқ
бўлиб, ўша даврдаги муаммо мухлислари учун мўлжал-
ланган. «Рисолаи муаммой манзум» эса назм билан
ёзилган қисқа муаммо қоидаларидан иборат.

Бу рисолаларда баён қилинган муаммо қоидалари
бир-биридан кам фарқ қилади. Лекин маълум қоидалар-
га ва унинг турли услубларига турлича муаммолар ми-
сол келтирилади.

Бу рисолалар орасида «Рисолаи муаммой мутавас-
сит» ва «Рисолаи муаммой сағир» қоида ва услубларни
баён қилиш жиҳатидан бошқаларидан устун туради.
Чунки уларда мазкур қоидалар маълум даражада их-
чам ва тушунарли баён қилинган. Бу иккала рисолада
маълум қоидаларга мисол сифатида келтирилган 500га
яқин муаммо байт, рубой, қитъа, баъзан туюғ шаклида
бўлиб, Жомий лирикасининг ажойиб намуналарини
ташқил қилади. Чунки уларнинг ҳар бирдан муаммо
санъати билан маълум ном чиқишидан ташқари, буюк
шайхнинг фалсафий, ахлоқий қарашлари намён бўла-
ди, унинг бошқа лирикасидаги, эпик дostonларидаги
фикрлар ўзига хос йўл билан акс эттирилади ва булар
муаммо воситасида исбот қилинади. «Рисолаи муаммой
мутавассит» Жомийнинг муаммо рисолалари орасида
энг мукаммали ва энг кўп тарқалган асаридир.

Абдураҳмон Жомийнинг муаммога оид тўртинчи ри-
соласи «Рисолаи муаммой манзум» бўлиб, унда муаммо
амаллари шеър билан қисқа баён қилинади.

Жомийнинг «Хулятул-хулал» рисоласида 10 та, «Ри-
солаи муаммой мутавассит»да 9 та, «Рисолаи муаммой
сағир»да 8 та ва «Рисолаи муаммой манзум»да Алишер,
Мир Алишер, Али, Алижон номларига айtilган муам-
молар мавжуд.

Абдураҳмон Жомий кўпгина асарларида Алишер
Навий ҳақида гапирганда унинг номи ва тахаллусини
муаммо билан ҳам беради. Масалан, адиб ўзининг
«Баҳористон» асарида Навий ҳақида шундай дейди:
(Алишер Навий) шундай соҳибдавлатки, бизнинг за-
монамиз унинг вужуди билан шарафлидир... Унинг гав-
ҳар номи шундай улуғдурки, ҳар хил назм унинг сада-
фи бўла олади ва шеърнинг ҳар мақоми ундан шараф
топа олади. Унинг шеърдаги тахаллуси ушбу келтирил-
ган муаммодан англашилади:

Кунҳи номаш дар тахаллусҳо наёбад ҳеч кас,
Бар лаби ёбандагон аз вай навое дону бас⁵.
(Исмнинг ҳақиқатини тахаллусларда ҳеч ким топа олмайди,
Топувчиларнинг лабига ундан бир наво деб билгил.)

Бу муаммо «тансис» ва «тахсис» қондаси асосида айтилган бўлиб, бу қондага асосан исмнинг ҳарфлари бир жойда тартибсиз ёки тартиб билан ошкор қилинади ва муаммода бунга ишора ҳам бўлади. Муаммонинг иккинчи мисрасидаги «аз вай навое дону бас» иборасидаги «навое» — «бир наво» сўзини Навои деб ҳам ўқилади ва у муаммонинг ҳалли бўлади.

Бундан ташқари, «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг хотимасида Навоийнинг номи — Алишер муаммо йўли билан келтирилган⁶.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, пешқадам шоирлар муаммо, луғаз ва унга яқин турган жанр имкониятларидан тўла фойдаланиб, унга бошқа жанрлар каби вазифа юклашга ҳаракат қилганлар.

Алишер Навоий давр адабиётида, хусусан шеърятда шакл ва мазмун бирлигига катта талаблар қўйганлиги, бунга даставвал ўз ижодида қатъий риоя қилганлиги ва бошқа санъаткорлардан буни талаб қилганлиги маълум. Буюк мутафаккирнинг «Ҳайратул-аброр»да бу ҳақдаги:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлса анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хуб эмас.
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга

деб қўйган талаби адибнинг ҳар қандай шеърятга берадиган баҳосининг мезонидир.

Навоий даставвал ўз ижодида, жумладан муаммогўйликда бунга тўла амал қилди. У бошқалардан ҳам муаммоларни юксак бадиий санъат ишлатиб ёзилиши билан бирга, маълум ахлоқий-таълимий, фалсафий тушунчаларни ифода қилувчи шеърини шакл бўлиши кераклигини талаб қилди.

Алишер Навоий давридаги муаммочилик ва Навоийнинг муаммога муносабати ҳақида кенгроқ маълумот берувчи муаллифлар Гиёсиддин Хондамир ва Зайниддин Восифийлардир.

Гиёсиддин Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» асарида Алишер Навоий «Муфрадот» асарининг ёзилиши

⁵ Абдурахмон Жомӣ. Баҳористон. Душанбе. 1966. Саҳ. 110.

⁶ Абдурахмон Жомӣ. Ҳафт авранг. Юсуф ва Зулайҳо. Душанбе. 1966. Саҳ. 110.

тарихи ва унинг муаммо санъатига яқин таърихлари ҳақида маълумот беради.

Восифийнинг «Бадоеул-вақоеъ» асарида келтирилган маълумотлардан XV аср адабий муҳитида муаммо жанрининг кенг тарқалганлиги, Ҳирот адабий муҳитидаги муаммоғўй шоирлар, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий каби улкан санъаткорларнинг бу жанрда муваффақиятли ижод қилганларини билиш мумкин.


Зайниддин Восифий ўз даврнинг кўзга кўринган муаммоғўй шоири ҳам бўлган. Восифийнинг «Бадоеул-вақоеъ» асаридаги маълумотларга қараганда, у муаммо айтиш, айниқса муаммо ечишда ўз замонасининг ягонаси ҳисобланган. У ҳар қандай муаммоларни ном айтилмасдан ҳам еча билган. Шунинг билан бирга у ўткир сатирик характерга эга бўлган муаммо ва ғазаллар ёзишга ҳам моҳир эди. У «Бадоеул-вақоеъ»нинг II бобида бир ўтиришда Кўчкинчихоннинг вазири жоҳил Хожа Юсуф Маломатийни зоҳирий маъноси латиф мадҳдан иборат муаммо воситасида яширни ўткир ҳажв билан фош қилганини ёзади⁷.

«Бадоеул-вақоеъ»да асар муаллифининг 16 ёшлик даврида 906 (1501) йилда, яъни Алишер Навоий ҳаётининг охириги йилларида Навоийнинг мушоара мажлисида иштирок этганлиги, Навоийни унинг хотираси ва дидини, адабиётга бўлган эътиқодини синаганлиги ҳақида қизиқарли ҳикоя келтирилади.

Мазкур мемуарнинг XIII бобида ҳикоя қилинишича, Алишер Навоийнинг дўстларидан бўлган Соҳиб Доро Восифийга она томондан қаридош бўлади. Восифий бир кун ўз отаси билан Соҳиб Дороникига борганда, бу ерда фозил, доно кишилар суҳбатга тўпланган бўладилар. Восифийнинг ёш бўлса ҳам яхши шоир, муаммоғўй, хусусан муаммоларни ном айтилмасдан ҳам ечишини эшитган Соҳиб Доро унга қийин муаммоларни айтганда Восифий уларни ҳал қилиб беради ва мажлис аҳлининг эътиборини қозонади.

Восифийнинг шуҳратини Соҳиб Доро орқали эшитган Навоий уни ўз мушоара мажлисига таклиф қилади. Бундан кейинги воқеани Восифий шундай тасвирлайди. Мазмуни: Мир жаноблари бизнинг томонимизга назар ташладилар ва менга ишора қилиб айтдиларки, номсиз муаммони топадиган ҳариф шуми? Мавлоно Соҳиб айтдилар: ҳа маҳдум шудир. Мавлоно Муҳаммад Бадах-

⁷ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеул-вақоеъ. М. 1961. 62—63-бетлар.



ший айтдиларки, эй маҳдум, Сизнинг муаммо ечишингиз унинг муаммо ечишига тенг кела олмайди. Мир айтдилар: мен унинг кўзларининг мушоҳадасидан билиб турибман, чунки унда фикр асари кўриниб турипти. Кейин бу муаммони ўқидилар:

Богро бин аз хазон бефарру сарв аз чо шуда,
Булбулаш барҳам зада минқору поғўё шуда.

Иттифоқан бу муаммо меннинг ёдимда бор эди. Буни мажлис аҳлидан яширайми ёки ростини айтмайми деб ўйланиб қолдим. Охири ростлик ғалаба қилди ва айтдим: Маҳдум, мен бу муаммони ёд биламан. Мир ҳазратлари ўз бошларини бир оз қуйи солиб, кейин айтдиларки, биласизларми, унинг гапининг маъноси нима? Кучини намойиш қилиб, бу бўлмаса бошқасини ҳам ечаман, дейди. Бу йиғилишда Мир ҳазратлари бошқа муаммо ўқимадилар ва кўп марҳамат қилдилар ва Мавлоно Соҳибга айтдиларки, биз унинг даъвосини тан олдик⁸.

Мазкур ҳикоядан англашиладики, Алишер Навоий умрининг охириги дамларида ҳам муаммо, муаммогўйлик ва унинг назарияси билан шуғулланган, мушоара мажлисларида иштирок этган ёш қаламкашларнинг талантини дастлаб муаммо орқали синаб кўрган.

Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асарида кўрсатилишича, муаммо қондалари дастлаб уч қисмга бўлинади. Аъмоли тасҳили (осонлаштириш амаллари), аъмоли таҳсили (ҳосил қилиш амаллари) ва аъмоли такмили (мукаммаллаштириш амаллари). Бу қисмлар ўз навбатида турли қондаларга ва бу қондалар турли услубларга бўлинади. Муаммо ечиш қондалари жами 15 хил, услуб эса 48 хил.

Аъмоли тасҳили интиқод (ҳарф саралаш), таҳлил (қисмларга ажратиш), таркиб (бириктириш) ва табдил (ўзгартириш) қондаларига бўлинади.

Интиқод қондасида муаммодаги маълум ишорага асосан ҳарфлар саралаб олинади. Бунда «аввал», «биринчи», «юз», «бош», «тож», «баланд», «аланга» каби сўзлар билан ишора қилинган бўлса сўзнинг биринчи ҳарфи, «охир», «ниҳоят», «оёқ», «этак», «сўнг», «қуйқум» каби сўзлар билан ишора қилинган бўлса сўзнинг охириги ҳарфи, агар ишора «ўрта», «бел», «юрак» каби сўзлар билан бўлса сўз ўртасидаги ёлғиз ҳарф, «қирғоқ», «чекка», «тараф», «бўй», «лаб» каби сўзлар келса олдинги ёки охириги ҳарф, «тарафайн», «атроф»,

⁸ В о с и ф и й. Бадоеул-вақоеъ. 1-жилд. 503—506-бетлар.

«икки томон», «қирғоқлар», «чеккалар», «бўйлар», «тўн», «пўст», «қин» каби сўзларда иккала томондаги ҳарф, «диллар», «беллар», «мағз» каби сўзлар қўлланган бўлса ўртадаги ҳарфлар олиб сараланади ва уларнинг бириктишидан ном ҳосил қилинади.

Таҳлил қондасида маълум сўз ишорага кўра икки ёки ундан ортиқ қисмга ажратилиб ибора шаклида ўқилади ва ном ҳосил қилинади (Миръот — мир от, гўшам — гў шам, гардони — гар дони кабилар).

Таркиб қондасида бирор сўзнинг шеърий маъноси мураккаб бўлса, унинг муаммолик маъноси ёлғиз олинади. Бунда ишорага кўра асосий мақсад маънога қаратилган бўлади. (Масалан: «Қаҳр юзидин» дейилган бўлса, «қаҳр»нинг юзи, яъни «қ» ҳарфи тушинилади ёки «Кўз ёшимнинг устида» дейилган бўлса, «Кўз ёшим»нинг усти «К» ҳарфи олинади).

Табдил қондасида ишорага асосан бирор сўзнинг маълум қисми бошқа сўз ёки иборага ўзгартирилади. (Масалан: «Уйлаким фарёд фарёдини Фарҳод айлагай» дейилган бўлса, «фарёд» сўзининг «ёд» қисми «Ҳод»га ўзгартирилади).

Аъмоли таҳсилли эса 8 га, яъни тансис ва таҳсис (очиқ қилиш ва хос қилиш), тасмия (номлаш), талмеҳ (ишора қилиш), тародиф ва иштирок (мосини ва ўхшашини олиш), киноят (яшириш), тасҳиф (ёзувда хато қилиш), истиора ва ташбиҳ ва ҳисоб қондаларига бўлинади.

Тансис ва таҳсис қондасида муаммо назмида яширинган ном бирор йўл билан ошкор қилинади (Масалан: «дилим ором олади» дейилса, «дил» сўзи «ором» сўзига қўшилади ва Дилором номи ҳосил бўлади. Ёки «Рустам» — «яширинман» деб жавоб берилса, айни вақтда бу сўз Рустам номи ҳам бўлади ва ҳоказо).

Тасмия қондаси араб алфавитидаги ҳарфлар номини бўғин шаклида айтиб, ундан ҳарф шаклини олиш ёки ҳарф шаклини келтириб, унинг номини бўғин шаклида олиш йўли билан ном ҳосил қилинади. Масалан, «Карам юзидин ёр ораз кўрсатди» дейилса, «карам» юзидаги К ҳарфининг номи كافي га يار нинг юзи ى ҳарфи қўшилиб, كافي — Кофи исми ҳосил бўлади. Ёки «Шоҳ адолатдан дилларни олди» дейилса, «Шоҳ» شاه сўзи «адолат — عدالت сўзининг диллари «дол» — دال ни ёки унинг шакли د ҳарфини олади ва شاهد — Шоҳид исми ҳосил бўлади).

Талмеҳ қондасида ҳаммага маълум ва машҳур бўлган бир ё бир неча ҳарфларга, сўзларга ва тарихий воқеа ва афсоналарга ишора қилинади. Бунда планеталар ва йил, ой номлари айтилса, уларнинг охириги ҳарфлари олинади. Ҳафта кунларининг номи айтилса, якшанбани бир ҳисоблаб, абжад ҳисоби билан унинг ҳарфлари олинади. Астрономиядаги буржлар номи келса «Ҳамал»ни ноль деб, Саврни бир деб ва қолганларини шу ҳисоб билан олиб, уларнинг абжад ҳисобидаги ҳарф қийматлари олиниб, ном чиқарилади. Масалан: «Қоронғи кечада Миррих кўринди» дейилса, «Миррих»даги **خ** ҳарфи олиниб, кеча ёки «Лайл»га **ليل** қўшилади ва Халил **خليل** номи ҳосил бўлади. Ёки «Зулумотга оби ҳаёт ахтариб бориб топа олмади» дейилса Искандар номига ишора бўлади.

Тародиф ва Иштирок қондасида маълум сўзларнинг омоним ва синоним маъноларига ишора қилинади. Бунда «Шамс», «қуёш», «меҳр», «офтоб» каби сўзлар бир хил ёки «ой», «қамар», «моҳ» каби сўзлар ҳам бир хил маънони билдиради. Ёки бир «Айн» сўзининг ўзи «Кўз», «Қуёш», «булоқ» каби турли маъноларда келиши мумкин. Муаммода мазкур сўзлар зикр қилинганда назм маъносига қараб шаклини ёки маънодошини олиш мумкин. Масалан: «Ойимнинг юзи офтобга айланди» дейилган бўлса, «ой» ўрнига «Қамар» олинади. Унинг юзи ёки **ق** ҳарфи офтобга, яъни «айн»га айланса, Умар исми ҳосил бўлади ва ҳоказо.

Киноят қондасида бир сўз айтилиб, ундан бошқа мақсад кўзда тутилади. Масалан, «фозил — доноларнинг номини яхшироқ ўқи» дейилган бўлса, «фозил» сўзини арабча қиёсий даражада ўқилади ва Афзал исми ҳосил бўлади.

Тасҳиф қондасида муаммо назмидаги нймо ишорага кўра маълум сўздаги нуқталар ўзгартирилади, олиб ташланади ёки унга нуқталар қўшилади. Бу ишора асосан «сурат», «нақш», «шакл», «намуна», «мисол» ёки «қатра», «дона», «Хол», «дурр», «ашк», «гавҳар» каби махсус сўзлар воситасида бўлади. Масалан: «Хум устидаги гишти майхона йўлига қўй» дейилса, «хум»—

« **خم** »даги нуқтани олиб «йўл»,—«раҳ» — **ر**

устига қўйилса **• حمز** — Ҳамза исми ҳосил бўлади.

Ёки «Ёрга кўзимни суртсам унинг бир томонида кўз

қорачиғим, иккинчи томонида кипригим қолди» дейилган бўлса, «ёр» — **يار** нинг бир томонидаги кўз қорачиғи нуқта, иккинчи томонидаги киприк алиф — **ا** ҳарфи бўлиб, ундан **اياز** — Аёз исми ҳосил бўлади ва ҳоказо.

Истиора ва ташбиҳ қондасида бирор сўз айтилиб, ҳарфларнинг ўхшашлигини ҳисобга олган ҳолда ўша сўздан бир ёки бир неча ҳарф олинади. Масалан: «Зулфинга юзинг қуёшини кўрсатганингда, меҳрим устига меҳр орттирднинг» деганда «зулф» сўзидан мақсад унинг ўхшаши **ذ** ҳарфидир. Унга биринчи меҳр «айн» **ع** ҳарфи ва иккинчи меҳр — «Шамс» **شمس** — дан талмеҳ қондасига асосан — **س** ҳарфи қўшилса **سعد** — Саъд исми ҳосил бўлади.

Ҳисоб қондасида бирор сон кўрсатилиб, унинг номи олинади ёки бирор сон номи айтилиб, унинг шакли олинади. Яна турли ҳарф ёки сўзларнинг абжад ҳисобидаги сон қийматига ишора қилиниши ва ниҳоят халқ орасида маълум ва машҳур бўлган сонларга ишора қилиниши мумкин. Масалан: «юзим билан юзинг шундай висол топсинки, ораларида хат ва холингдан бошқа нарса бўлмасин» дейилса, биринчи «юз» — тожик тилида «сад» — **صد** иккинчи «юз» — абжад ҳисобида **ق** ҳарфи, уларнинг ораларидаги хат ва ҳол эса **ى** ҳарфи бўлиб, таркиб топса «Сиддиқ — **صديق** исми ҳосил бўлади ва ҳоказо.

Аъмоли такмили учга, яъни таълиф (улаш), Исқот (ташлаб юбориш) ва қалб (тескари ўқиш) қоидаларига бўлинади.

Таълиф қондасида назмда ишора қилинган сўз ёки бўғинлар бир-бирига аралаштирмай ёки аралаштирилиб қўшилади. Масалан: «терлаган юзинг сув ичгандан сўнг очилган гулга ўхшайди» дейилган бўлса, «гул» — **كل** очилиб, унинг ичига «сув» ёки араб тилида «мо» — **ما** киради ва Камол — **كمال** исми ҳосил қилинади.

Исқот қондасида шеърда ишора қилинган маълум сўздан бир ёки бир неча ҳарфлар алоҳида тайинлаб ёки тайинламай олиб ташланади. Бунда олиб ташлашга далолат қилувчи турли сўзлар билан ишора қилинади. Масалан, «Ажаб саодат эрур яхшилик била чиқса от» дейилса «чиқмоқ» сўзидаги ишорага кўра,

«Саодат»дан «от» олиб ташланади ва Саъд исми ҳосил қилинади. Ёки «Аз беамали бим мадор» (амалсизликдан қўрқма) дейилган бўлса «беамали» — *بيعملى* сўзидаги «бим» — *بیم* сўзи олиб ташланади ва Али — *على* исми ҳосил қилинади.

Қалб қондаси маълум бўғин, сўз ёки иборадаги ҳарфларнинг ёки сўзларнинг ўрнини тартиби билан ёки тартибсиз ўзгартиришдан иборатдир. Масалан: «Чун баромад Меҳру, Моҳу, Муштари номи ту гашт» (Қуёш, ой, муштари чиққач, сенинг номингга айланди) мисраидан талмеҳ қондасига асосан «меҳр» ёки шамс — *شمس* дан *س* ҳарфи, Моҳдан ташбиҳ қондасига асосан *ل* ҳарфи, «Муштари» *مشتری* дан талмеҳ орқали *ی* ҳарфи олиб йиғилса *سلی* ҳосил бўлади. Энди «Номи ту гашт» ишорасига кўра «ном» — *نام* қалб қилинса, *مان* бўлади ва ҳаммаси таркиб топса Сулаймон — *سليمان* исми ҳосил бўлади. Ёки «Боҳуш гаштааст (ҳушига келибди) иборасини «боҳуш» айланибди деб ўқиб, шу «боҳуш» *باهش* сўзи қалб қилинса, Шаҳоб — *شهاب* исми ҳосил бўлади ва ҳоказо.

Таърих ва луғаз

Алишер Навоий даври адабий ҳаракатчилигида муаммога яқин турган луғаз, таърих жанрлари, мақлуби мустави, ҳарф санъати каби санъатлар ҳам ривожланди. Шаклнараст, хушомадгўй сарой шоирлари маънога эътибор бермай мақлуби мустави ва ҳарф санъати каби санъатларни қўллаб шаклбозлик билан шуғулланиб адабиётни тушкунликка судрасалар, прогрессив шоирлар луғаз ва таърих жанрида ҳам шеърийатнинг ажойиб дурдоналарини яратдилар, мазкур санъатлардан ўз асарларида баъзи нозик маъно ва мафҳумларни баён қилишда маҳорат билан фойдаландилар.

Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Зайниддин Восифийлар лирикасидаги муаммо элементлари бу асарларни безаб туради. Бунинг биз «Ҳайратул-аброр»да, Навоий лирикасида, Жомий ғазал ва қасидаларида кузатамиз.

Манбаларга қараганда, Шарқ адабиётида луғаз муаммодан илгари пайдо бўлган.

Луғаз Шарқ адабиётида, шу жумладан ўзбек адабиётида ҳам, халқ оғзаки ижодиётидаги топишмоқ — чистоннинг ёзма адабиётидаги шаклидир.

Луғазда ашё — предметларнинг ёки бирор ҳодисанинг сифат ва хусусиятларини яширин йўлда, ихчам ва поэтик бадиий санъатларни қўллаган ҳолда савол воситасида баён қилинади. Луғаз топишмоқ — чистонга қараганда кенгроқ ва муфассалроқ бўлади.

Рашидиддин Ватвот «Ҳадонқус-сеҳр фи дақонқуш-шеър» асарида «Аллуғаз—санъатда муаммога ўхшашдир. Лекин буни савол тарзида айтадилар ва буни форслар чистон дейдилар», — деб таъкидлайди⁹.

«Матлаъул-улум фи мажмаъул-фунун» асаридаги таъриф эса қуйидагича: Луғаз — предметлардан бирининг зотига далолат қилувчи, махсус иборалар ёрдамида унинг хусусиятларини англатувчи вазинли сўз бўлиб, уни форсийда чистон дейдилар¹⁰.

Манбаларда кўрсатилишича, луғаз форс-тожик адабиётида IX асрларда пайдо бўлиб, Рудакийнинг форс-тожик тилида яратган луғазлари бизгача етиб келган. Рудакийнинг луғазлари ҳақида проф. И. С. Брагинский ўзининг «Тожик адабиёти тарихидан очерклар» асарида Рудакийнинг от, қалам ҳақидаги луғазлари сақлақиб қолганини ёзади¹¹.

Ўзбек адабиёти тарихида ўзбек тилида яратилган луғазларни Алишер Навоий ижодида учратамиз. Улуғ адибнинг ўзбек ва форс-тожик тилларда яратган «киромн луғазлар»и шоир лирикасининг ажойиб бир қисмидир.

Алишер Навоий луғазларини мутолаа қилар эканмиз, навоийшунос олим А. Ҳайитметовнинг Навоий луғазлари ҳақидаги «ўз чистонларида шоир ўзининг турмушини, ўз атрофини қуршаётган предметларни, ижтимоий муносабатларни нақадар яхши билишини ва бу шеърини формада ҳам уларнинг бадиий аксини яхши бериш мумкинлигини кўрсатади. Лекин бу лирик шеърини форманинг хусусияти шундаки, бу асарнинг бошидан охиригача поэтик юмор ҳисси билан сугорилган ва

⁹ Рашидиддин Ватвот. Ҳадонқус-сеҳр фи дақонқуш-шеър. Техрон. 1884. 19-бет.

¹⁰ Матлаъул-улум фи мажмаъул-фунун. Лакҳнав. 1325-ҳижрий. саҳ. 181.

¹¹ И. С. Брагинский. Очерки из истории таджикской литературы. Сталинабад. 1956. С. 137.

асосий ғоя шу юмор орқали ифодаланган»¹², — деб берган баҳосининг тўғрилигига қаноат ҳосил қиламиз.

Алишер Навоийнинг «Анор» номидаги луғазини олиб кўрайлик:

Не мажмардур тўла ахгар вале ул мажмар андоми,
Эрур суғъ илгидни гоҳе мусаддас гаҳ мусамман ҳам.

Чиқар равзандин ахгар дудню бу турфаким онинг,
Утига дуд йўқдур, мажмарига балки равзан ҳам.

Уту мажмар дема, бор ул садафким дурларин онинг,
Уюрди қонга даврони мушаъбад, чархи пурфан ҳам.

Агар бу навъ эмас, бас не учун бармоқ кучи бирла
Бўшар жисми, оқар қони, анга мажруҳ бўлуб тан ҳам.

Нечаким табъи норидур валекин меъда норига
Берур таскин, мунинг нафъин топибмен воқеан мен ҳам¹³.

Кўриниб туриптики, бу луғаз Навоий лирикасининг мумтоз бир кўриниши бўлиб, анорнинг хусусиятлари таъмия йўли билан, табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар орқали савол тариқасида баён қилинади. Бу роҳат ва бадий завқ бағишлаши билан бирга, кишиларнинг меъдасига шифо ҳисобланган анорнинг бағри тўла қонлигига сабаб ҳийлакор замон ва найрангбоз фалак эканлиги тасвири ҳам кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Умуман олганда, луғаз муаммога яқин турган санъат бўлиб, унга жавоб ўйлаб топишда муаммо қондаларининг баъзи услубларидан фойдаланилади. Ҳатто баъзи луғаз — чистонлар ечилиш жиҳатдан муаммога тенг ҳам келади.

Шарқ классик адабиётида муаммога яқин турган санъатлардан яна бири таърихдир.

Таърихнинг муаммога яқинлиги тўғрисида Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да қўйидагича фикр юритган эди: Муҳим воқеалар тарихини билиш жиҳатидан муносиб сўзларни топиш ҳам муаммо санъатига яқин бўлиб, ул ҳазрат (Навоий) хотираларига бу бобда ҳам ажойиб иборалар ва гўзал сўзлар келгандир.

Шарқ классик адабиётида, шунингдек ўзбек адабиёти тарихида таърих жанри бўлиб ўтган муҳим воқеа ва ҳодисаларни тўғри йўл билан ва муаммо қондаси орқали абжад ҳисоби асосида маълум шеър орқали ифодалашдан иборатдир. Таърих мисра, байт, -қитъа, рубой шаклларида келиши мумкин.

¹² Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 47-бет.

¹³ Алишер Навоий. Бадоеул-васат. Тошкент. 1960. 715-бет.

Таърихнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар: таърихи том, таърихи мужавҳар, таърихи муҳмал ва таъмияли таърихлардир. Таърихи томда воқеанинг йили шу воқеага муносабати бўлган маълум сўз ва ибораларнинг ўзидангина ҳосил бўлади. Таърихи мужавҳар эса алфавитдаги фақат нуқтали ҳарфлар воситасида берилиб, воқеага мос иборалардан шу ҳарфларнинг сон қиммати олинади. Таърихи муҳмалда бу усул фақат нуқтасиз ҳарфлар воситасида бажарилади. Таъмияли таърих эса, муаммо санъатига яқин бўлиб, унда воқеа тарихига муносабатли сўз ва иборалардан муаммонинг баъзи тасҳиф, исқот, ҳисоб каби услублари орқали сўз ўйинлари билан маълум ҳарф ё сўз ва иборанинг сон қийматлари олиб ташланади ёки уларга қўшилади.

Таърих ва уларнинг турлари ҳақида А. Жувонмардиевнинг «Ҳарфлар рақамларга айланганда» асарида маълумот берилган¹⁴.

Алишер Навоий муаммога яқин турган бу жанрда ҳам ижод қилди, шеърий дурдоналардан ҳисобланган кўпгина таърихлар ёзиб қолдирди. Навоий баъзи асарларининг ёзилиш тарихини ҳам шу усулда баён этди. «Мажолисун-нафоис»да адиб давр шоирлари ижодига баҳо берганда уларнинг таърихларидан мисоллар келтирди.

Таърихлар орасида энг кўп қўлланиладигани «таърихи том» бўлиб, бунда таърих моддаси айнан воқеага тегишли сўздан иборат бўлади. Масалан, Улуғбекнинг ўлими ҳақидаги таърихни Эрон адабиётшуноси доктор Эҳсон Ершотир ўзининг «Шеъри форси дар аҳди Шоҳрух» асарида келтиради:

Султони фалак қадр Улуғбек саъид,
Дар ҳаштуми моҳи рамазон гашт шаҳид.
Он шаб, ки шаҳид шуд қиёмат бархост
Тарих ҳамин: «Шаби қиёмат» гардид¹⁵.

(Осмон қадрли саъид Улуғбек,
Рамазон ойининг саккизинчисида шаҳид бўлди.
У шаҳид бўлган кечасида қиёмат кўпди,
Таърих ҳам шу «Қиёмат кечаси» бўлди).

Таърих йили муносиб сўз **شَب قِيَامَت** дан чиқади.
Яъни **ش** 40, **م** 1, **ا** 10, **ى** 100, **ق** 2, **ب** 300, **ش** 400.
Ҳаммаси 853 ҳижрий (1449) йилидир.

¹⁴ Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда. Тошкент. 1966.

¹⁵ Эҳсон Ершотир. Шеъри форси дар аҳди Шоҳрух. Теҳрон. Шаҳривар. 1334. Саҳ. 244.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»га кирган улуғ кишиларнинг вафоти ва баъзи воқеаларга ёзган таърихлари, «Тухфатул-афкор» қасидаси, «Маҳбубул-қулуб» асаридаги таърихлар бу санъатнинг энг яхши намуналаридан ҳисобланади.

Алишер Навоий вафотидан сўнг шоирнинг энг яқин кишиларидан Соҳиб Доро 40 байтдан иборат таркиббанд шаклидаги таърих — марсия яратган бўлиб, мазмун ва бадний жиҳатдан анча мукаммал бўлган бу марсиядаги ҳар бир байтнинг олдинги мисраидан Алишер Навоийнинг туғилган йили ва иккинчи мисраидан вафоти йили келиб чиқади. Бу таърихнинг алоҳида тури бўлиб, мисрадаги ҳамма сўзларнинг сон қиймати ҳисобга олинади. Зайинддин Восифий «Бадосъул-вақоеъ» асарида бу марсиянинг ҳаммасини келтиради. У ҳар бири 8 байтдан иборат бўлган 5 бандли таркиббанддир.

Классик адабиётимиздаги таърих жанри муаммога яқин турган санъат бўлганлиги сабабли Навоий муаммоларини ва унинг рисоласини ўрганиш таърих жанрини ўрганишга ҳам шубҳасиз ёрдам беради.

Муаммога яқин турган санъатлардан яна бири мақлуби мустави бўлиб, бу санъатда муаммонинг «қалб» услуби қўлланилади. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да баъзи шоирлар ижоди ҳақида сўзлаганда, уларнинг бу санъатда ёзган асарларидан намуналар келтиради ва ўзи ҳам баъзи асарларида, шу жумладан «Ҳайратул-аброр»нинг сарлавҳаларида ундан усталик билан фойдаланади.

Ўзбек адабиётидаги иншо жанрида ҳам кўпинча баён этилган фикрлар таъминя орқали рамз ва нймо билан берилади. Бу ҳолни Алишер Навоий муншаотлари орасида ҳам учратамиз. Масалан, шоирнинг «Муншаот» асаридаги қиш фасли ҳақидаги тўртинчи ишоси муаммо йўли билан бошланади.

Шундай қилиб, ўзбек адабиёти тарихида катта бир даврни ташкил қилган XV аср адабиёти ниҳоятда бой жанрлари рўйхатида муаммо ва унга яқин турган луғаз, таърих каби жанрлар ўзига хос тараққиёт йўлини бошидан кечирди. Ўтган асрдагиларга нисбатан дунёвий адабиётнинг кенг кўламда ривожланиши, бадний тафаккурнинг тараққиёт даражаси адабиётнинг муаммодек мураккаб бир жанрининг ҳам шеърят майдонидан ўрин олишини таъминлади.

Алишер Навоийгача ҳам бу жанрларда жуда кўп истеъдод эгалари ўз қаламларини синаб кўрдилар. Бу жанрларга шоирларгина эмас, ҳатто тарихчиларнинг

ҳам диққат билан қараши муаммо жанрини бу даврда мавжуд бўлган бошқа жанрлар қаторидан тенг ўрин олганлигини намойиш қилди. Алишер Навоийнинг бу жанрга бўлган эътибори муаммочилик тарихининг янги бир саҳифаси бўлди. Шунга кўра ҳам Навоийнинг муаммолари ва муаммога оид рисоласини ўрганиш, адиб ижодини ҳар томонлама мукамал тадқиқ этишдаги бир муҳим шарт сифатида адабиётшунослигимизнинг вазифаси бўлиб қолади.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «МУФРАДОТ» АСАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий машҳур адабиётшунос олим ҳамдир.

Алишер Навоий адабиётшуносликка аруз назарияси ҳақидаги машҳур «Мезонул-авзон» асари, ўз даври адабий ҳаётининг деярли ҳамма масалалари тўғрисида баҳс юритувчи «Мажолисун-нафоис» тазкираси, шу билан бирга, шарқ поэзиясининг мураккаб жанрларидан бири — муаммо назариясига бағишланган «Муфрадот» асарлари билан катта ҳисса қўшди.

«Муфрадот» муаммо назарияси ҳақида форс-тожик тилида яратилган асар сифатида, ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асар ва ундаги муаммолардан ташқари Навоийнинг «Ҳазоинул-маоний»га кирган ўзбекча ва «Девони Фоний»га кирган форс-тожикча лирик мероси орасидаги муаммолар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Адибнинг «Девони Фоний»даги форс-тожик тилида яратган 500 та муаммосидан 373 таси ва «Ҳазоинул-маоний»га кирган ўзбек тилидаги 52 та муаммоси маълум. Шундай қилиб, улуғ шоиримиз қолдирган бой ва ранг-баранг мероси ўртасида «Муфрадот» назарий рисоласи ва ундаги 121 та мисол муаммолардан ташқари адибнинг 425 та муаммоси бизгача етиб келган.

Буюк мутафаккирнинг мазкур рисоласини ўрганиш, унинг муаммо жанри тўғрисидаги қарашларини, ўз давридаги муаммочиликка бўлган муносабатини аниқлашда, шунингдек шоирнинг бошқа муаммо меросларини таҳлил этиш ва баҳолашда, бадий асарлари таркибидаги муаммоларни белгилашда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

«Муфрадот» асарининг яратилиши ўз тарихига эга. Бу ҳақда шоирнинг «Ҳамсатул-мутаҳаййирин» ва Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» асарларида диққатга сазовор фикрларни учратамиз.

Маълумки, Навоийгача ҳам юқорида эсланганидек, муаммо назариясига онд қатор асарлар яратилди.

Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарида ўзигача бу мавзуда яратилган рисоалар ҳақида шундай дейди:

«Бир кун бу фақирни муаммо фикри бу водийга солиб эрдиким, андин бериким, устои фан мавлоно Шарафиддин Али Яздий... бу фанни тадвин қилиб, бу фан аҳлининг отин тиргузди, бу замонғачаким, азизлар ҳам кутуб ва расоил битибдурлар ва бу фан ғариб зебу зийнат топибдур ва турфа қавонд ва истилоҳот пайдо бўлубтур»¹⁶. Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин»да эслашича, бир куни у Шарафиддин Али Яздий ва ундан кейинги муаллифлар томонидан яратилган муаммо ҳақидаги рисоаларнинг камчиликлари хусусида фикр юритаётган вақтда унинг олдига Абдурахмон Жомий кириб келади. Навоий устозга ўзининг ижодий планларини баён қилади ва муаммо қондаси ҳақида қўлланма ёзиш фикри борлигини айтади. Жомий бундан мамнун бўлиб, ўзи ҳам худди шу мулоҳазада юрганлигини айтади ва икки-уч кунда муаммо қондалари ҳақидаги тўртинчи асари — «Рисолаи муаммои манзум»ни ёзиб Навоийга тақдим этади. Бу рисола ҳақида Навоий: «Кўп ихтисорға қўшиш қилган учун кўп дақиқ ва тор воқеъ бўлубтур, андоқки, мубтадиға идроки суҳулат била даст бермас»¹⁷ деб характерлайди ва агар рухсат берилса, бундан осонроқ рисола ёзажagini айтади. Жомий Навоийнинг режасини маъқуллайди. Натижада ҳижрий 890 (1485) йили Навоий «Муфрадот» асарини ёзиб, уни Жомийга юборади. Алишер Навоий асарларининг хронологик саналари кўрсатилган илмий адабиётларда эса асарнинг тарихи кўрсатилмайди ёки бу борада ноаниқ саналар келтирилади. Масалан, С. А. Волин ўзининг «Ленинград тўпламларидаги Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» мақоласида шундай дейди: «Рисолаи муаммо» ва Ленинградда мавжуд бўлмаган «Девони Фоний»нинг ёзилган йилини аниқлаш умуман мумкин бўлмади»¹⁸.

О. Шарафуддинов эса «Алишер Навоий» монографиясида «Муфрадот» асарининг ёзилиш тарихини 1490 йил деб кўрсатади¹⁹.

¹⁶ Жомий ва Навоий. Тўплам. 54—55-бетлар.

¹⁷ Уша асар. 55-бет.

¹⁸ Волин С. Л. Описание рукописей произведения Навои в Ленинградских собраниях. Сб. «Алишер Навои». Москва — Ленинград. 1946. С. 205—206.

¹⁹ Ш а р а ф у д д и н о в О. Алишер Навоий. Тошкент. 1948. 86-бет.

Асарнинг ёзилш санасини қуйидагиларга қараб аниқлаш мумкин. Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин»да ёзишча, Абдурахмон Жомий ўзининг «Рисолаи муаммои манзум» асарини ёзиб унга юборгандан кейинноқ Навоий «Муфрадот»ни ёзишга киришган ва уни тугатиб Жомийга юборган. Демак, бу иккала рисола-нинг ёзилган даври бир йилга тўғри келади. Жомий рисоласининг охирида унинг таърихи шундай берилади:

Чу файзи қудс омад жойи тавзиҳ,
Бино шуд гар кунандаш «файз» таърих²⁰.

(Таважжуҳ жойи қудснинг файзи келганлиги учун унга «файз» сўзи таърих қилинди).

«Файз» **فیض** сўзини абжад ҳисобида ҳисобласак, **ف** 80, **ى** 10, **ض** 800, ҳаммаси 890 бўлади.

Демак, Жомийнинг «Рисолаи муаммои манзум» ва Навоийнинг «Муфрадот» асарлари 890 (1485) йилда ёзилган деб айтиш мумкин.

«Муфрадот» ҳақида Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» асарида шундай дейди:

«Олий табиатли амир асарларидан яна бири «Рисолаи муфрадот»дирки, муаммо фани ҳақида форсий тилда ёзилган ва бу фanning тузилиши ва тартибларида гоят фойдали ихтиролар қилганлар. Чунки муаммо амалларининг ҳар бирида шундай муаммо исботлари келтирилганки, уни ечиш учун ўзидан кейин келадиган амалларни билишнинг ҳожати йўқ.

Бу нафис асарни ҳақиқат эгаси Маҳдумий ҳузурига (яъни Жомийга) юбордилар. Ул ҳазрат бу китоб таърифида шундай ёзувни баён лавҳига нақш қилдилар, байт:

Расули дўст ба дастам яке рисола супурд,
Рисолаеки, зи дил ранчи дер сола бибурд.

Мазмуни:

Дўстимнинг элчиси менга бир рисола топширди. Бу рисола кўнгилдаги кўп йиллик қайғуларни йўқ қилди.

Ҳақиқатан бу янги етилган рисола йиллар йўл юриб узоқда қолган орзумандлар бошига тобланди, балки дил аҳллари пешқадамлари устига ғайб кийимхонасидан асл ва дебо хилъат кийгизди.

Рубоий:

Ба ҳар сатре з-насраш чун бари пай,
Шави ориф баасли кулли аз вай.

²⁰ Абдурахмон Жомий. Рисолаи муаммои манзум. ЎзССР ФА ШИ. инв. № 209, варақ 254 б.

Чу назмашро ба лавҳи дил нигори
З-ҳар байте аз он номе барори.

(Агар насридан бир йўлини аниқласанг, унинг асл ҳақиқатидан хабардор бўласан. Назмларини дил лавҳасига нақш қилсанг, ундаги ҳар бир байтдан бир ном чиқарасан.)

Ҳақиқатан ҳидоят эгаси амирнинг файзли фикрлари воситаси билан муаммонинг нозиклик ва гўзаллиги мамлакатда шундай мартабаларга эришдики, уни қалам билан баён қилиш сира мумкин эмас ва шу қадар тараққий қилдики, ундан юқорироқ даражани тасаввур қилиб ҳам бўлмайдди. Унинг муаммоларини ечишда дил ғунчалари ғунча диллари каби тонгнинг ёқимли шамолларидан очила бошлайдди. Ундаги нозик фикрларни топишда димоғ гулзори чаманзор аҳлларининг димоғлари сингари янги гулларининг ёқимли атир сифатини ўзига олади»²¹.

Жомий Навоий томонидан юборилган бу асарни ўқиб чиқади ва уни ўз ўғли Зиёвиддин Юсуфга дарслик сифатида фойдаланишни тавсия қилади. Бу ҳақда Навоий: «Қабул нишонаси мундин ўтмаским, бовужуди мунга расоилким ҳоло ародадур Маҳдумзодаға ул мухтасарни ўқурға ишорат бўлди ва ул бу мухтасарда муаммо фанига вуқуф топди»²².

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Жомий бу рисола-нинг охирига тақриз тарзида шундай деб ёзиб қўйган:

Ин нусха, ки шуд ба юмни саъйи ту тамом,
Маҳбуби табоеъи хавос асту авом.
Дар фанни муаммо зи машоҳири киром,
Кас чун ту надидам, ки бурун орал ном.

Чун ҳусни адон ин манзум вассофи ин тасниф аст ва лутфи баёни ин марқум маддоҳи ин таълиф, мантиқи суханоройро аз ситоиши он маоф бояд дошт ва хотири нуктасаройро бар таърифи он набояд гумошт²³.

(Бу сенинг яхши ҳаракатинг туфайли тамом бўлган китоб — ҳамма хос ва авом табиатлари (диллари)нинг севилганидир. Муаммо фанида сен каби ҳурматли ва машҳур бўлиб ном чиқарган кишини кўрмадим.

Бу назм мазкур асарнинг мақтови учундир ва бу баён қилинган рақамлар муаллифнинг васфи учундир. Мен сўз безовчининг (Навоийнинг) мантиқиши таъриф-

²¹ Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1948. 51—52-бетлар.

²² «Жомий ва Навоий». 55-бет.

²³ С. Айний. Куллиёт. Ҷилди II. Саҳ. 367.

лашда ожизман. Шунинг учун менга уни (рисолани) таърифлашни буюрманг ва авф этинг).

«Муфрадот»нинг мавжуд қўлёзмаларидан ЎзССР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида инв. № 5664, 4565, 5667 сақланаётган нусхаларида Абдурахмон Жомий томонидан ёзилган юқоридаги тақриз асарнинг таркибий қисми сифатида унинг охирига қўшиб кўчирилган.

Юқорида айтилганидек, муаммо жанри Навоий даврида унинг ташаббуси билан шундай ривожландики, бу даврда муаммо оддий шеър қаторига кирди. Лекин Навоий давригача муаммо ҳақида ёзилган рисоалар қийин ва мураккаб эди. Шунинг учун Навоий мактаб болалари ва туркий тилида ижод қилувчилар учун ихчам, тушунарли бўлган мазкур рисола ёзди. Бу ҳақда шу асарнинг кириш қисмида адиб шундай дейди: «Бу латиф замонда ва шариф давронда муаммо илми машҳур бўлган эди ва кичик ёшли болалар ва ҳавасманд туркийларнинг хотирлари унга мойил бўлди. Лекин бу фаннинг ғоят нозиклигидан уни ўрганиш қийин эди. Шунинг учун менинг хотиримга шу келдики, арзимас қисқа бир қўлланма тартиб берилса ва ҳар бир қоидада бир неча қисқа муаммо келтирилса... у муаммонинг бешқа қоидага дахли бўлмаса»²⁴. Буюк мутафаккир шоиримиз «Хамса»ни туркий халқларининг баҳра олишлари учун ёзгани ва буни «Хамса»нинг яратилиш муносабати билан таъкидлагани каби, гарчи форс-тожик тилида бўлса ҳам муаммони англашда қулайликларга эга бўлган рисола ёзганида «атроки ҳаваснок» (ҳавасманд туркийлар)ни кўзда тутди.

Алишер Навоий даврида муаммо қоидалари мактабларда ҳам ўргатилар эди. Шунинг учун Навоийнинг бу асари мактаб талабалари учун қўлланма вазифасини ҳам бажарган. Шоир бу ҳақда «лекин муаммо амалларини ўрганишни осонлаштиришда болаларга ўқиш учун ярайди», деб ёзади.

Манбаларда «Рисолаи муфрадот» асарининг номи ккки хил кўрсатилади. Хондамирнинг «Макоримулахлоқ» асарида «Рисолаи муфрадот», Шамсиддин Сомий «Қомусул-аълом» ва Сом Мирзо «Тухфаи Сомий»да «Муфрадот дар фанни муаммо» деб кўрсатадилар. Совет олимларининг асарларида, шу жумладан проф. Е. Э. Бертельснинг «Навоий» монографиясида ва проф.

²⁴ Алишер Навоий. Муфрадот. Салтиков-Щедрин номидаги Ленинград давлат кутубхонаси. Қўлёзма. Инв. № 558. 710 б-варақ (Бундан кейин «Муфрадот» деб берилади).

В. Зоҳидовнинг «Алишер Навоийнинг ғоя ва образлар дунёси» асарида «Рисолаи муаммо», О. Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий» монографиясида ҳам «Рисолаи муаммо», «Рисолаи муфрадот» тарзида берилган.

Асарнинг қўлёзма нусхаларида ҳам унинг номи «Рисолаи муфрадот», баъзан «Рисолаи муаммо» тарзида қайд қилинади.

Бевосита асарнинг ўзига мурожаат қилинганда унинг «Муфрадот» эканлигига шубҳа қолмайди.

Бу ҳақда асарда шундай дейилади: «Ва чун ин муҳқир дар ин фан бамушобихайи алиф ва бе буд, мусаммо бамуфрадот намуд»²⁵.

(Бу ҳақир бу фанда алиф ва бе мисолида бўлганлигим учун унинг номини «Муфрадот» қўйдим).

Ўзбек адабиёти тарихида муфрадот — фард шеърӣ жанр бўлиб, у бир байтдан иборат бўлади. Фард адабиётда ҳажм жиҳатидан энг кичик жанр бўлиб, ижодкордан жуда катта балоғат (оз сўз билан кўп маъно англатиш) талаб қилган. Шунинг учун Алишер Навоий каби шоирларнинг айрим фардларини шарҳлаганда тугал асарни ташкил қиладиган мазмун келиб чиқади.

Классик шоирларнинг девон ва куллиётларида кўпинча бу жанрга оид асарлари шу девон ёки куллиётларнинг охирида муфрадот номи билан жойлаштирилади.

«Ғиёсул-луғот»да ёзилишича, муфрадот муфрад сўзининг кўплиги бўлиб, «яккалик» мазмунини билдиради. Алфавитдаги ҳарфларнинг алоҳида-алоҳида шакллари ва бирдан ўнгача бўлган сонлар ҳам муфрадот дейилади. Ҳарфларнинг ёлғиз шаклларини ёзишда ҳусни хат бўйича қўлланма ҳисобланган «Муфрадот» номи асар ҳам мавжуддир. Тўла каллиграфик машқлар эса мураккабот дейилади.

Умуман, «Муфрадот» сўзи классик адабиётдаги фард жанрининг кўплиги сифатида қўлланилади.

Асарда келтирилган мисоллар асосан фард — байтлар шаклида бўлганлиги ёки шоир камтарлик билан ўзининг муаммо соҳасида ҳали мураккабот даражасига кўтарилмаганлигини таъкидлаб асар номини «Муфрадот» қўйган бўлиши мумкин.

Иттифоқимиздаги китоб фондларида «Муфрадот» асарининг 4 та қўлёзмаси сақланади.

Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонасида Навоий асарларидан тузилган ва № 558

²⁵ Уша ерда.

инвентарда сақланаётган қўлёзмага мазкур асар киритилган.

Ҳозир Ўзбекистон ССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фондида «Муфрадот»нинг 3 та нусхаси сақланмоқда. Қўлёзмаларнинг тавсифи қуйидагича:

1. Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат кутубхонасида сақланаётган № 558 инвентарли нусха Навоий асарларининг куллиётидан иборат бўлиб, у 1004 (1595) йилда Озарбайжоннинг Қизил Оғоч шаҳарида Фарҳодхон Кирмоний деган шахс учун котиб Назарали Файзий томонидан кўчирилган²⁶. Куллиёт 717 варақдан иборат. Чиройли настаълиқ билан ёзилган. Куллиётга Навоийнинг 17 та асари киритилган бўлиб, «Муфрадот» асари «Рисолаи муаммо» сарлавҳаси билан 16-номерда келади ва 710 б—713 б варақларини ўз ичига олади. «Муфрадот»нинг мавжуд нусхалари орасида бу қўлёзма қадимийлиги ва мукамаллиги билан ажралиб туради.

2. ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган № 5664 инвентарли нусхадир, кўчирилган йили кўрсатилмаган. Тахминан XVI асрга оид нусха бўлиб, муқоваси кейинги даврга тўғри келади. Унга «Рисолаи муфрадот дар фанни муаммо» («Муаммо фани ҳақида «Муфрадот» рисоласи») деб ёзиб қўйилган.

3. Мазкур институтда сақланаётган № 5667 инвентарли нусха 1940 йилда Тошкент шаҳарида Шарқшунослик институтининг илмий ходими Ибодулло Одилов томонидан чиройли шикаст хат билан қора сиёҳда кўчирилган.

Шу қўлёзманинг кейинги қисмларида Алишер Навоийнинг 33 та ўзбек тилидаги муаммоси, кейин номаълум муаллифнинг муаммо ҳақидаги рисоласи, охирида эса Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» асаридан Алишер Навоийнинг «Муфрадот»и ҳақидаги фикрлари Ибодулло Одилов томонидан кўчирилган.

4. № 4565 инвентарли нусха ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма бўлиб, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа шоирлар-

²⁶ С. Л. Волин. Описание рукописей произведения Навои в Ленинградских собраниях. Сб. «Алишер Навои». Москва — Ленинград. 1946. С. 223.

нинг муаммо ҳақидаги рисоалари ҳамда айрим муаммо намуналардан тузилган тўпламдир.

Навоийнинг «Ҳамсатул-мутаҳаййирин»да таъкидлашчи, «Муфрадот» ёзилган давргача мавжуд муаммога оид рисоаларнинг ҳаммасида муаммо қоидалари тартиб билан баён қилинмайди. Бирор қоида учун келтирилган мисол ҳалли ўқувчига маълум бўлмаган қоидага ҳам тегишли бўлади²⁷.

Навоий «Муфрадот»нинг кириш қисмида унинг ёзилиш сабабларини баён қилгандан сўнг, ўқувчига муaroжаат қилиб камтарлик билан шундай дейди:

Агарчи ҳаст дебо тез бозор,
Вале карбос ҳам дорад харидор.
Дурар бошад сазои гўши шоҳи,
Барад наққоши шоҳи гўши моҳи.

(Қимматбаҳо ипак кийимнинг бозори чаққон бўлса ҳам, Лекин бўзнинг ҳам ўз харидори бордир.
Дур-гавҳарлар подшоҳ қулоғини безаса-да,
Шоҳнинг наққоши балиқнинг қулоғини ҳам олиб кетади).

Асарда шундан сўнг муаммога таъриф берилади ва унинг амаллари, услублари классификация қилинади.

«Муфрадот» асарида муаммо дастлаб уч қисмга бўлиниб, унинг 15 амали, бу амалларнинг турли кўриниш ва услублари, уларнинг таъриф ва қоидалари тартиб билан баён қилинади, ҳар бир услубга ихчам муаммолардан мисоллар келтирилади. Рисоладаги бу услубларнинг ҳаммаси 48 хил бўлиб, мисол муаммоларнинг сони 121 та дир.

Рисолада мисол келтирилган амаллар, уларнинг услублари ва мисол келтирилган муаммо номларини 35-бетдаги жадвалдан кўриш мумкин.

Алишер Навоий муаммо ёзишдаги ички мураккабликни ҳисобга олиб ҳар бир қоида фақатгина ўзига тегишли бўлган мисол билан таъминлаб борилиши зарур деб билади.

Рисолада муаммонинг «аъмоли тасҳили»— осонлаштириш амаллари тўртта: интиқод, таҳлил, таркиб, табдил услубларига бўлилади. Ўз навбатида бу усулларнинг ҳар бири турли кўринишга эга.

Рисолада «интиқод» амалининг 11 хил кўринишининг қоидалари берилади ва уларга 14 та муаммо мисол тарзида келтирилади. Шу амалнинг биринчи кўриниши,

²⁷ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том. 47-бет.

Муаммо амалларининг қисмлари	Муаммо амаллари	Услублари	Мисол муаммоларнинг номлари
1. Аъмоли таҳсили (осонлаштириш амаллари)	1. Интиқод (саралаш)	1. Биринчи ҳарфларни саралаш. 2. Охириги ҳарфларни саралаш. 3. Иккаласи бирга 4. Ўрта ҳарфларни саралаш. 5. Иккаласи бирга 6. Бир сўзнинг аввалги ва охириги ҳарфларини саралаш. 7. Тартиби билан саралаш. 8. Аввал ва охиридан иккитадан ҳарф саралаш. 9. Маълум сўзлар воқитасида саралаш. 10. Ўрта ҳарфларнинг ҳаммасини олиш. 11. Кўп ҳарфлар билан ном яқинини олиш.	Олам, Малик. Валад, Вали Омилн. Бали, Киё Шамс. Убайд. Хуррам. Рукн. Занги. Салами. Амон.
2. Аъмоли таҳсили (ҳосил қилиш амаллари).	2. Таҳлил (ҳал қилиш, ажратиш) 3. Таркиб (Бириктириш) 4. Табдил (ўзгартириш)	12. Шеърини маъноси ёлғиз, муаммолик маъноси мураккаб 13. Шеърини маъноси мураккаб, муаммолик маъноси ёлғиз 14. Ҳарф ўзгартириш 15. Икки қисмни бошқа икки қисмга бадал қилиш. 16. Номнинг қисмларини ошқоро қилиш (тартибсиз)	Шамс, Мазид, Тақи Қаро, Зиё. Бурҳон, Каркин, Қадам, Шараф, Беҳзод. Жомий Дилором, Лоло, Ҳақдод
	5. Тансис ва таҳсис (очиқ қилиш ва хос қилиш)	17. Худди шундай, лекин тартибли	Рустам, Осаф, Салмон

Муаммо амалларининг қисмлари	Муаммо амаллари	Услублари	Мисол муаммоларининг номлари
	6. Тасмия (номлаш)	18. Ҳарфнинг номини олиш.	Салмон, Кофи,
		19. Номдан ҳарф олиш	Обил, Шоҳид, Муъин
	7. Талмеҳ (ишора қилиш)	20. Машҳур темаларга	Сарн, Комил
		21. Худди шундай, лекин ҳарф ўзгартириб.	Шараф
		22. Иккаласи бирга	Халил
		23. Китоб сўзларидан олиш.	Қулн, Рукн.
	8. Тародиф ва иштирок (мосини олиш ва шериклик)	24. Кўп сўзни бир маъно ва бир маънони кўп сўзда қўллаш.	Довуд
		25. Айтилган сўзни бошқа маънода қўллаш.	Пир, Умар, Жамшид
	9. Киноят (яширин, киноя)	26. Бир сўз билан бошқа маънони кўзлаш (талмеҳ, билан)	Юнус
		27. Худди шундай, лекин талмеҳ билан эмас.	Бек, Жавҳар, Афзал, Хон
	10. Тасҳиф (ёзувда хато қилиш)	28. Тасҳифи вазъи (нуқта ўзгартиш)	Тоҳир, Борик Ражаб, Шамс, Фаррух
		29. Нуқта қўшиш ёки олиб ташлаш (тасҳифи жаъли)	Самуд, Сафо, Борик (тушиб қолган)
	11. Истиора ва ташбиҳ	30. Ҳат шаклига қараб ўхшашини олиш.	Саъд, Зиё
	12. Ҳисоб	31. Исмлиқ услуб	Воҳид, Кули
		32. Ҳарф билан сонга ишорат қилиш.	Дўст, Шайх.
		33. Санаш услуби	Бахтиёр, Фалаки

Муаммо амалларининг қисмлари	Муаммо амаллари	Усаублари	Мисол муаммоларининг номлари
3. Аъмоли такмили (мукаммаллаштириш амаллари)	13. Таълиф (улаш)	34. Инҳисор услуби (машҳур ададлар)	Таййиб
		35. Рақамлик услуб	Баҳдул, Садр, Зийрак, Ҳисом, Ҳаким
		36. Таълифи иттисоли (аралаштирмай қўшиш)	Ҳомид, Тамуз, Жобир, Ғариб
		37. Таълифи имтизожи (аралаштириб қўшиш)	Дониёл, Камол, Содир, Жалол
		14. Искот (ташлаб юбориш)	38. Искоти айни (тайинлаб ташлаш)
	39. Искоти мисли (тайинламай ташлаш)		Убайд
	40. Иккаласи бирга		Жамшид, Малик, Камол, Вайс, Алижон
	41. Рад этиш йўли		Коко, Вали
	42. Ташлашга оид феъллар келтириш		Чақмоқ, Рашид, Кнё, Ойи, Ҳамро, Тоҳир, Борик, Шуъайб, Худ, (ном йўқ), Шибли, Шоҳи, Зуннун, Нажим, (ном йўқ), Бобо
		43. Фақат ўрта ҳарфларни ташлаш	

Муаммо амалларининг қисмлари	Муаммо амаллари	Услублари	Мисол муаммоларининг нумлари
	15. Қалб (тескари ўқиш)	44. Қалби кулли (тартиб билан ҳамма ҳарфларни айлантириш) 45. Қалби баъз (қисман) 46. Сўзма-сўз айлантириш 47. Қалби вазъи (қалбни билдирган сўзлар воситасида) 48. Қалби жаъли (ясама қалб)	Шаҳоб, Шараф, Мурод Зайд. Дилором. Малик, Ғаюр. Қамол, Нажм, Лутф, Амон
3	15	48	121

яъни сўзнинг биринчи ҳарфларини саралашга Одам исмидаги муаммо:

Дили моро чу хоҳи боз चुшташ,
Зи оҳу дарду меҳнат чу шахушташ²⁸.
(Дилимизни яна қидирмоқчи бўлсанг,
Энг аввал, оҳ, дард, меҳнатдан изла.
Еки оҳ, дард ва меҳнатнинг биринчисидан изла).

Муаммонинг ечилиш калиди «нахушташ», яъни «биринчисини» ёки «биринчи бўлиб» сўзидан иборат. Агар биз $o\bar{a}$ оҳ, درد дард ва محنت меҳнат сўзларининг биринчи ҳарфларини йиғсак, сараласак آدم Одам исми ҳосил бўлади.

Бу муаммодан келиб чиқадиган ният, яъни шоир дилининг оҳ, дард ва меҳнатдан иборат бўлиши ва бу муаммонинг Одам — инсон номига айтилиши тасодифий эмас. Шоир ижодида, айниқса, унинг лирикасида марказий ўринлардан бирини эгаллаган ва гўзалларнинг вафосизлиги замирида баён қилинган, аслида давр бевафолари дастидан чеккан оҳлар, замонасидаги ҳақсизликлар туфайли тортган дард ва алам меҳнатлари бу муаммода ҳам ўз ифодасини топган.

²⁸ Муфрадот, 710 б-варақ.

Муаммонинг мазмуни адибнинг «Хазоинул-маоний»-даги:

Неча ҳижрондин бузуқ кўнглумда бўлғай дам-бадам
Ғам уза ғам, дард уза дарду алам узра алам.
Ёр ҳижрони, ватан таркию, ғурбат шиддати,
Чарх бедодию даврон меҳнати, эл жаври ҳам²⁹

байтларига ёки унинг «Маҳбубул-қулуб»даги:

«Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари
зулмидин фиғону фарёд...»³⁰ сатрларига ҳамроҳандир.

Навоийнинг бу фикри унинг «Наводируш-шабоб» девонидаги ўзбекча ва «Девони Фоний»даги Одам номига айтилган тожикча муаммоларда ҳам муаммонинг бошқа услублари воситасида берилган.

Интиқод амалининг услубларидан бири сўзнинг ўрта ҳарфларини саралаш бўлиб, ўрта, дил, бел каби сўзлар воситасида ишора қилинади.

Масалан, Вали исмига айтилган муаммо:

Чун намоёд кофири бебоки ман
Дил зи ҳушу, илму дини худ бикан³¹.
(Менинг бепарво гўзалим кўринса,
Ўзингнинг ҳушинг, илминг ва динингдан дил уз.)

Бу муаммо калиди «дил» сўзи бўлиб, «Ҳуш — **هوش**»
нинг дили **و** ҳарфи, «илм» — **علم** нинг дили **ل**
ҳарфи ва «дин» — **دين** нинг дили **ى** ҳарфлари сарала-
ниб таркиб топса Вали — **ولى** исмидан иборат бў-
лади.

Таҳлил ва таркиб амали кўпроқ сўз ўйинлари асо-
сига қурилади. Ёки бир вақтнинг ўзида муаммонинг
шеърӣ ва муаммолик маънолари эътиборга олинади.

Бу услубга Қаро исмидаги муаммо характерлидир:

Аз рӯи қаҳр чун ёр чашмам бапой сояд,
Бар рӯи оби чашмам домони ў намоёд³².

(Қаҳр юзидан ёр оёғи билан кўзларимни эзса,
Кўзим ёшининг устида унинг этаги(нинг акси) кўринади).

«Қаҳр» **قهـر** юзи **ق** олиниб, **آب چشم** «оби
чашм»нинг юзи **ا** га мазкур **قهـر** нинг этаги — охири,

²⁹ Алишер Навоий. Бадоеъул-васат. Тошкент. 1960. 402-бет.

³⁰ Алишер Навоий. Асарлар. 15-том. 53-бет.

³¹ Муфрадот. 711 а-варақ.

³² Уша асар, 711 а-варақ.

яъни ر ҳарфи кўринса ва таркиб топса قرا Қаро исми ҳосил бўлади.

Табдил — бадал қилиш, яъни ҳарф ёки бўғин ўзгартириш усулига рисолада 7 та мисол келтирган бўлиб, Қаргин исмидаги муаммода шеърда тасвирланган гўзалнинг руҳий дунёси жуда усталик билан тасвирланган:

Чун равад аз пеши ман кораш чафову кин бувад
Гар бапеш ояд ғамам бинад дилаш ғамгини шавад³³.
(У гўзалим менинг олдимдан кетса, иши жафо ва кин
(душманлик) бўлади.
Агар у олдимга келиб, ғамимни кўрса, дили ғамгин бўлади.)

Муаммо иккинчи мисрадан ечилади. Яъни «гар» ба пеш ояд «ғамгин шавад» дейилганлиги учун «ғамгин» — غمگين сўзидаги م-غ сўзининг ўрнига گر «гар» сўзини табдил этилади ва گرگين Қаргин ҳосил бўлади.

Рисолада аъмоли таҳсили, яъни ҳосил қилиш амаллари 8 га бўлинган бўлиб, улардан бири тансис (очиқ қилмоқ) ва тахсис (хос қилмоқ)дир. Бу услубда муаммонинг ечимидан иборат бўлган номнинг қисмлари ошкор ёки махсус ишора билан айтилади.

Дилором исмидаги мисол:

Кучо дар чаннатул маъво барад ком,
Ки дар кўяш дили ман гирад ором³⁴.
(Жаннатул — маъвода кўнглим мақсадига эришмайди,
Менинг дилим ёр кўчасида орам олади).

Муаммо «дили ман гирад ором» иборасидан ечилади. Яъни шоирнинг «дил» — دل и «ором» آرام олса, دلارام Дилором исми ҳосил бўлади. Бу муаммода Навоий ўзининг лирик асарларида куйлагани каби ёрнинг кўчасини жаннатдан юқори қўяди. Бу фард — муаммода ҳам зулқофиятайн санъати қўлланилган бўлиб, шеър мусиқийлик касб этгандир.

Шу услубга Шоҳид исмида келтирилган мисол жуда характерли бўлиб, унда шоирнинг адолат ва одил шоҳлар ҳақидаги фикри муаммо орқали ифодаланган:

Шакк нест к-аҳли олам дар сояш дарояд,
Шоҳе ки аз адолат дилҳо ҳамерабояд³⁵.
(Адолатдан дилларни олган шоҳнинг (ёки адолат билан эл

³³ Уша ерда.

³⁴ Уша ерда.

³⁵ Уша ерда.

кўнглини овлаган шоҳнинг) соясига олам аҳли кирса шубҳа йўқдир.)

«адолат» — عدالت сўзининг диллари, яъни ўрта ҳарфлари «дол» دال бўлиб, унинг шакли د дир. Агар «шоҳ» شاه «адолат»дан дилларни, яъни د ҳарфини олса شاهد Шоҳид исми ҳосил бўлади.

Рисолада муаммонинг талмеҳ амалининг тўрт услубига 6 та мисол келтирилган. Талмеҳ луғатда бирор нарсага енгил қараш бўлиб, муаммода ҳаммага маълум ва машҳур бўлган мавзуларга, астрономик буржларга, сайёраларга, йил, ой ва ҳафта ҳисоблари ҳамда айрим китоб сўзларига ишора қилишдан иборатдир. Бунда муаммонинг талмеҳ қондасига албатта амал қилинади. Қондага кўра сайёраларга ишора қилинса, уларнинг охириги ҳарфлари олинади. Ҳафта кунлари номидан якшанбадан бошлаб тартиб билан шу рақамларга тегишли бўлган ҳарфлар (абжод ҳисоби асосида) олинади ва ҳоказо.

Масалан, Комил исмидаги муаммо бунга мисол бўла олади.

Тародиф ва иштирок амалининг икки услуби баёнидан кейин 4 та мисол келтирилади.

Бу амал муаммода асосан сўзларнинг омоним ва синоним маъноларига ишора қилишдан иборат. Бу қондада бундан ташқари сўз ёки бўғинларнинг ёзувдаги шаклий ўхшашликларига ҳам ишора қилинади.

Мисол учун шу амалга келтирилган Пир исмидаги муаммода ёридан хат олган сипоҳ (аскар)нинг қувончи тасвирланган.

Қалби сипаҳ гирифт хат аз тарафи рўи ёр,
Бояд гирифт ин дам аз он ёри худ канор³⁶.
(Ёр томонидан келган хат аскарнинг дилини олди
Бу дамда у ўз ёрига етишгандай бўлди).

Бу ерда муаммо «қалб» ва «канор» сўзларининг омонимик хусусиятлари асосида ечилади. «Қалб» сўзининг яна бир маъноси «ўрта», «юрак» бўлиб «Сипаҳ» سپه нинг қалби پ ҳарфидир. «Рўи ёр»дан يار нинг юзи ی ҳарфи. Энди يار дан «канор» — қўйин ёки чеккаси олинса ر қолади ва ҳаммаси таркиб топса پير Пир исми ҳосил бўлади.

³⁶ Уша асар. 712 а-варақ.

Киноят амали муаммода бир сўзни зикр қилиб, ундан бошқа маънони талаб қилиш бўлиб, рисолада унинг икки услуби баён қилинган ва 6 та мисол берилган.

Афзал исмидаги муаммони олиб кўрайлик:

Эй хожа, касеро, ки ту фозил дони,

Бояд номаш баваҷҳи аҳсан хони³⁷.

(Эй хожа, сен бирор кишини фозил (доно) деб билсанг, Сен унинг номини яхшироқ ўқишинг керак.)

Мазкур фарддаги «аҳсан» сўзи «афзал» сўзида киноядир. Чунки «Фозил» — *فاضل* сўзини арабча қиёсий даражада ўқисак (ёки «баважҳи аҳсан» ўқисак), «Афзал» *افضل* бўлади ва у муаммонинг ечимидир. Кўриниб туриптики, муаммода доно кишиларни ҳамма вақт яхшилик билан тилга олиш ва ёдлаш керак деган маъно ётади.

Рисолада «тасҳиф» (луғатда ёзувда хато қилиш) амалининг икки услуби, яъни «тасҳифи вазъи» (нуқта ўзгартириш) ва «тасҳифи жаъли» (нуқта қўшиш ёки олиб ташлаш) қондалари берилиб унга 6 та байт — муаммо мисол қилинган.

Борак исмидаги муаммода муаммонинг шу тасҳиф қондаси асосида манман шоҳлар танқид қилинади.

Шоҳи замон чу дар сар пайдо кунад ҳавояш,

Дурҳон тоқи торак резад базери пояш³⁸.

(Замон шоҳи агар бошида ҳаво (манманлик) пайдо қилса, Унинг тоқи устидаги дурлар оёғи остига тўкилади.)

«Торак» — *تارک* «бош усти» сўзидаги нуқталар маҳв қилинса, *ارک* бўлади. Энди «тож» — *تاج* даги нуқталардан бири унинг остига тўкилса, Борак *بارک* исми ҳосил бўлади.

Истиора ва ташбиҳ амали маълум ҳарф санъати бўлиб, бунда хатдаги ҳарфларнинг ва сўзларнинг ёзилиш шакллари асос қилиб олинади.

Рисолада бу амалга 2 та мисол келтирилган бўлиб, улардан бири Зиё исмидаги муаммодир.

Сабо ду барги гул овард аз боғи руҳат ҳосил,

Ниҳодам он яке бар чашму ин паҳлуи доғи дил³⁹.

(Сабо юзинг боғидан иккита гул барги ҳосилини олиб келди, Улардан бирини кўзимга қўйдим, иккинчисини дилимнинг доғига қўйдим.)

³⁷ Уша ерда.

³⁸ Уша ерда.

³⁹ Уша ерда.

Икки гул баргидан мақсад икки нуқта бўлиб уларнинг бири **ص** даги **صبا** ҳарфининг устига қўйилса (адабиётда **ص** ҳарфи кўзга ўхшатилади), **صبا** бўлади. Бу сўзининг дили **ب** ҳарфи бўлиб, унинг доғи, яъни нуқтаси олдига яна бир гул баргини — нуқтани қўйсақ, **صبا** Зиё исми ҳосил бўлади.

Ҳисоб амали муаммода энг кўп қўлланиладиган амаллардандир. Рисолада унинг беш хил услубига 12 та мисол келтирилган.

Ҳисоб амалида йил ва ой ҳисоблари, астрономиядаги буржлар, рақамларнинг шакллари, абжад ҳисоби ва бошқалар кўзда тутилади.

Ҳисоб амалининг ҳарфлик услубига Дўст номидаги муаммо:

Бун зулфатро ду қисм омад ҳисоб эй нўшлаб,
3-он яке рутбуллисон омад ачам 3-он як араб⁴⁰.

(Эй ширинлаб, зулфинг бўйининг ҳисоби икки қисм ҳисобланди,
Унинг бир қисмидан ачам ва бир қисмидан араблар баҳра топди.)

«Қисм» **قسم** сўзи абжад ҳисобида 200 дир. (Яъни **ق** —100, **م** —60, **س** 40, -200) унинг икки баробари 400 бўлади. Бу соннинг ҳарф қиммати **ت** дир. Уни «ду» — икки **دو** ёнига қўйсақ, **دوت** ҳосил бўлади. «Зулф — **زلف** нинг бўйи **ل** ҳарфи бўлиб, абжадда 30 га тенг, икки баробари эса, 60 ёки **س** ҳарфидир. Мазкур **دوت** га ушбу **س** кўшилса, **دوست** Дўст ҳосил бўлади ва муаммо ечилади. Бу муаммо Дўст исмида бўлганлиги ва мазмунига қараб Абдураҳмон Жомийга атаб ёзилган бўлиши мумкин.

Рисолада аъмоли такмили, яъни мукаммаллаштириш амаллари учга бўлинган бўлиб, уларнинг биринчиси «таълиф» (бир-бирга улаш), «исқот» (ташлаб юбориш) ва «қалб» (тескари ўқиш)дан иборатдир.

Таълиф амалининг икки услуби 8 та ихчам байт — муаммо билан баён қилинади.

Жобир номидаги муаммода ёр зулфи ва жамолининг таърифи муаммо санъати билан ҳам исбот қилинади:

⁴⁰ Уша ерда.

Эй сари зулфат шуда абру, чамолат офтоб,
Чи бувад ар толеъ шавад тарфи чамолат з-он саҳоб⁴¹.
(Эй гўзал, зулфингнинг учи булут ва жамолинг офтоб

бўлипти,
Агар жамолинг қуёши у булут тагидан тулуъ қилиб чиқса
нима қилади?

«Жамол»— جمال нинг томони ج ҳарфи бўлиб, булут—
саҳоб—«абр»дан ابر тулуъ қилиб чиқса ёки таълиф
қондасига асосан уланса, جابر — Жобир исми ҳосил
бўлади.

«Таълифи имтизожи»— аралаштириб қўшиш услу-
бига Камол исмидаги муаммо:

Зулфат аз тоби сунбули пуртоб
Рухат аз хўй шуда гули сероб⁴².
(Зулфинг сероб сунбулнинг тобланишидандир,
Юзинг тердан гули серобга ўхшаб қолгандир.)

Муаммо таълиф қондасида иккинчи мисрада ечилади.
Яъни «гул»— گل сероб бўлса ёки унинг ичига сув—
араб тилида «мо»— ما кирса ل + ما + ك = كمال
Камол исми ҳосил бўлади.

Худди шу мазмундаги муаммо шоирнинг «Наводи-
руш-шабоб» девонига кирган ўзбекча муаммолари ора-
сида ҳам мавжуддир. Бундан ташқари, «Хазоннул-мао-
ний»даги баъзи мисра ва байтларда ҳам шу усулдан
фойдаланилганини кўрамиз.

Муаммода қалб санъати сўз, ибора ёки бўғинларни
турли йўлда тескари ўқишдан иборат бўлиб, рисолада
унинг 5 та услуби баён қилинади ва бунга 11 та муам-
мо мисол сифатида берилади.

«Қалби кулли», яъни ишора қилинган маълум сўз-
нинг ҳамма ҳарфларини тескари ўқиш услубига Шаҳоб
исмидаги мисол:

Дил, ки аз тигат бахун оғушта аст,
Гарчи боҳуш буд, боҳуш гаштааст⁴³.
(Дилим тигингдан қонга беланди,
У ҳушида йўқ эди, энди ҳушига келди.)

Иккинчи мисрадаги «боҳуш гаштааст», яъни «ҳушига
келибди» иборасини «боҳуш» айланибди» деб ўқисак
ҳам бўлади. Шу ишорага кўра, «боҳуш» باهش сўзини
аксига айлантирсак ёки қалб қилсак شهاب Шаҳоб исми

⁴¹ Уша ерда.

⁴² Уша ерда

⁴³ Уша асар. 713-варақ.

ҳосил бўлади. Навоийнинг бошқа бадий асарларида ҳам муаммонинг бу услуби кўп қўлланилган.

«Қалби баъз», яъни айрим ҳарф ёки бўғинларни айлантириш услубига Зайд исмига келтирилган муаммода дин аҳллари сатира остига олинади:

Нафаси ошиқонаи зоҳид,
Дар дилаш гашта чун дами фосид⁴⁴.
(Зоҳиднинг ошиқона нафаси
Унинг дилида бузуқ ҳавога айлангандир.)

«Зоҳид» — زاهد нинг дилидаги нафаси ^o — оҳ бузилса زيد Зайд исми ҳосил бўлади.

Исқот муаммо санъатида энг кўп қўлланиладиган амаллардан бўлиб, рисолада унинг 6 та услуби баён қилинади, мисол муаммоларнинг сони эса 28 та.

Комил исмидаги муаммони Навоий исқот амалининг бадий кўринишларидан деб таъкидлайди:

Зи оби Хизр нахоҳам, ки чон баком расад,
Маро бас аст зи лаби ў гар забон ба ком расад⁴⁵.
(Жон мақсадига етса ҳам Хизр сувини (оби ҳаётни)
истамайман.
Тилимнинг мақсадига етиши учун менга унинг лабининг бир қисми кифоя.)

«Ком» сўзи мақсад ва танглай маъноларини англатади. Гўзалнинг «Лаб» لب — идан тил танглайга етадиган товушни, яъни «Л» — ل ҳарфини олсак ва у «ком» — کام — танглайга тегса کامل — Комил исми ҳосил бўлади. Бу муаммода сўз ўйини орқали «Л» ундош товушининг талаффуз этилиш характеристикасига ишора қилинган.

Ғаюр исмидаги мисол қалбни билдирган сўзлар воцитасида бериладиган услуб учундир:

Гарчи булбулро зи гул хори чафо шуд муттасил,
Саҳл бошад гар намояд сўи булбул рўи дил.
(Булбулга гулдан жафо тикани кетма-кет етиб турса ҳам,
Гул ўз дилини булбул томонга кўрсатса, қийин бўлмайди.)

Классик адабиётда булбулнинг яна бир номи «Ҳазор», яъни «Минг» («булбули ҳазор дoston»дан) бўлиб, абжад ҳисобида غ ҳарфидир. Энди булбулга гул ўзининг юзини, яъни «Рўй» — روى (унинг қалби يور кўрсатса, غيور — Ғаюр исми ҳосил бўлади.

⁴⁴ Уша ерда.

⁴⁵ Уша ерда.

Рисоладаги қалб амалига келтирган Амон исмидаги муаммода ёрнинг номини ростлик билан дилга жо қилиш шундай тасвирланади:

Номат, ки барости қалам кард дилам,
Зи ў ҳамчу нигин нақш баровард дилам⁴⁶.

(Дилим номингни тўғрилиқ билан рақам қилди,
Ундан дилим худди узук нақшидек ном чиқарди.)

«Ном» — исмининг қалби مان бўлиб, уни ростлик — тўғрилиқ, яъни ! алиф билан рақам қилинса, امان — Амон исми ҳосил бўлади.

Рисоладаги бошқа муаммолар ҳам қисқа, мазмунли, таъсирчан кичик шеърӣ асарлардан иборат бўлиб, Навоийнинг форс-тожик тилидаги лирик меросининг гўзал намуналаридандир.

Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асарини, ундаги муаммо қоидаларини ва мисол муаммоларни ўрганиш — шоирнинг ўзбек тилидаги ҳамда «Девони Фоний»даги муаммоларини, адибнинг лирик ва эпик асарлари таркибидаги муаммоларни, муаммога яқин турган таърих, луғаз каби жанрларни ўрганишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади. «Муфрадот» буюк мутафаккир шоиримизнинг ниҳоятда бой ижодини, унинг маҳоратини янада чуқурроқ тасаввур этишда муҳим аҳамиятга эга.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ЎЗБЕК ВА ФОРСИЙ ТИЛЛАРИДАГИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

Буюк шоир «Муфрадот»га кирган муаммолардан ташқари ўзбек ва форс-тожик тилларида ҳам муаммолар яратди ва уларни ўзининг лирик асарларидан ташкил топган девонларига киритди. Характерлиси шундаки, Навоий ўзбек адабиёти тарихида она тилида яратилган илк муаммоларнинг муаллифидир.[?] Навоий ўз муаммолари ҳақида «Бадоеъул-бидоя» девонига ёзган дебчасида шундай дейди: «Барча лутф ва равонлиқда муфрад ва номи муаммолар, барчаси от ёширурда сотир ва кироми луғазлар бор»⁴⁷. Биз шоирнинг «Девони Фоний»даги форс-тожик ва «Наводируш-шабоб»даги ўзбекча муаммоларини кўздан кечирсак, адиб айтган бу фикрининг ҳақлигига қаноат ҳосил қиламиз.

⁴⁶ Уша ерда.

⁴⁷ Алишер Навоий. Фавоидул-кибар. 770-бет.

Навойй муаммолари ранг-баранг мавзуларда яратилган бўлиб, улар ғоявий мазмун жиҳатидан ҳам шоир ижодининг бош масалаларига уйғундир. Бу муаммолар санъат жиҳатидан ўқувчини чуқур ўйлашга, тез фикр юритишга ундайди. Уларда инсоний муҳаббат, ахлоқий-фалсафий фикрлар, адолат ҳақидаги мушоҳадалар, дин аҳлларини фош қилиш ва бошқа темалар ифодаланган. Бу муаммолар маълум қондалар асосида ечилганда унда баён этилган фикрлар турли имо-ишора, сўз ўйинлари воситасида исбот бўлади.

Алишер Навойгача ўзбек адабиёти тарихида она тилида яратилган муаммолар бизга етиб келган эмас. Буни адабиётшунос Э. Рустамов ўзининг «XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек поэзияси» асарида ҳам таъкидлайди⁴⁸.

Алишер Навойнинг ўзбек тилида яратган муаммолари 52 та бўлиб, булар профессор Х. С. Сулаймонов томонидан илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрланган «Наводируш-шабоб» девонига киритилган⁴⁹. Девонда муаммо номлари араб графикаси асосида алифбо тартиби билан жойлаштирилган, Одам номидаги муаммо билан бошланади ва Юнус номидаги муаммо билан хотималанади.

А. Ҳайитметовнинг «Навойй лирикаси» асарида Навойй муаммоларидан учтасининг, яъни Муҳсин, Саъд ва Ҳилол исмларидаги ҳамда Э. Рустамовнинг «XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек поэзияси» асарида ҳам Муҳсин ва Саъд исмидаги муаммоларнинг ҳалли берилган⁵⁰.

Навойй ўзбекча муаммолари орасида фалсафий ахлоқий мазмундаги ва замонадан шикоят темасидаги муаммолар бор. Лекин уларнинг кўпчилиги ишқ-муҳаббат темасидадир.

Шоирнинг Одам номига ёзган муаммоларида «Муфрадот»да ҳам, «Ҳазоннул-маоний» ва «Девони Фоний»да ҳам оҳ, дард ва меҳнат билан тўлган дил аламлари, икки кўздан қон ёши тўкилиши, камбағалчилик тузоғига илинган инсоннинг бировларга мутелиги чуқур кечинмалар ифодаси сифатида тасвирланади.

⁴⁸ Э. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М. ИВЛ. 1963. стр. 82.

⁴⁹ Алишер Навойй. Наводируш-шабоб. Тошкент. 715—726-бетлар.

⁵⁰ А. Ҳайитметов. Навойй лирикаси. 50—51-бетлар; Э. Р. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963, с. 83.

Масалан, «Наводируш-шабоб»даги Одам исмидаги ушбу муаммога диққат қилайлик:

Қон тўкар юздин дамодам ашку ваҳким ҳар замон
Айланиб оҳимдин айлар кўкка майл ул қатра қон⁵¹.

Муаммо «интиқод», «Тасмия» ва «Қалб» амали қондалари асосида ечилади. Яъни: «Дамодам» *دامادم* сўзи юзидаги «қон»и *دم* «дам»ни тўкса ва бу қон шоир тортган оҳи натижасида айланса, *مد* — мад бўлади. Унинг шакли эса ~ бўлиб, кўкка ёки алиф ҳарфи устига чиқса, *ادم* — Одам исми ҳосил бўлади. (Араб тилида қон *دم* — дам демакдир.)

Кўриниб туриптики, муаммода ажойиб игроқ воситасида икки кўздан тўкилган қон ёшнинг шоир чеккан оҳи таъсирида кўкка чиқиб кетиши муаммо билан ҳам исбот қилинган.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида инсон ва унинг тақдири бош масала бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун «Рисолаи муфрадот», «Наводируш-шабоб» ва «Девони Фоний»даги муаммоларнинг Одам номи билан бошланиши бежиз эмас. «Девони Фоний»да ҳам муаммолар Одам исми билан бошланади:

Гар набошад дар дили хунин хадағат муттасил,
Аз чи бар болову поинаш намояд хуни дил⁵².
(Агар қонли дилимга ғамзанг ўқи туташ бўлмаса,
Нима учун унинг юқори ва қуйсида кўнгил қони кўринади?)

Ёрнинг ғамза ўқи — киприги алиф ҳарфи бўлиб, ундан кейин кўнгил қони «дам» — *دم* кўринса, *ادم* бўлади. Бу ўқдан олдинги кўнгул қони — диокритик белги бўлиб, унинг номи «мад» — *مد* ва қалб қондасига асосан тескарн «дам» — *دم* дир. Бу белги қўйилса Одам исми ҳосил бўлади.

Муаммода ифодаланишича, Навоий даврида инсон — Одам бошидан оёғигача кўнгил қони билан бўялгандир. Бу ҳол муаммода тародиф ва қалб амали қондаси билан исбот қилинган.

Одам исмидаги бошқа бир муаммода ҳам бу мазмун давом эттирилади:

⁵¹ Алишер Навоий. Наводируш-шабоб. 715-бет.

⁵² Алишер Навоий. Девони Фоний. Париж миллий кутубхонаси, Қўлёзма фотокопияси. Инв. № 285. 230 а-варақ.

Қайд дар фақр омада чун меҳнати ворастаги,
Омадам з-он сонки мумкин набвадаш вобастаги⁵³.

Камбағаллик — тузоқ, кишан бўлиб, ундан қутулиш меҳнати ҳам кишан машаққати кабидир.

Шундай бўлса ҳам бировга қарам бўлиб қолмай деб келдим.

Муаммо таълиф қоидаси билан иккинчи мисрадан ечилади. Яъни ишорага кўра, «Омад» — **آمد** сўзини шундай қиламизки, у боғланмаган бўлсин ёки ундаги ҳарфларни бир-бирига боғланмайдиган қилиб жойласак

ادم Одам исми ҳосил бўлади.

Муаммода айтилишича, камбағаллик меҳнатидан халос бўлиш қийинчилиги — шу қашшоқлик қийинчилигидан ошиб тушса ҳам, одам — инсон бировларга қарам бўлмаслиги керак.

Навоий мероси орасида, айниқса унинг лирикасида шайх, зоҳид, муҳтасибларни фош қилувчи асарлар анчагинадир. Муҳсин исмидаги муаммода мушонра кечаларида ғазалхонликни, ашула айтиш ва куй чалишни ман қилувчи ислоннинг шайх — раисларига нафрат билан қараб шундай дейилади:

Мажлиста шайх бу кеча кўп шайн бошлади,
Синдурди шамъу, нуқлни ҳавз ичра ташлади⁵⁴.

Муаммо исқот ва тасҳиф қоидаси асосида ечилади. Яъни «мажлис» — **مجلس** ўртасидаги шамъ — **ل** ҳарфи синдирилса **مجلس** бўлади. Энди нуқл (закуска), яъни **ج** ҳарфи остидаги нуқта ҳавз — ёки **س** ҳарфининг иккинчи элементи ичига ташланса, **محسن** Муҳсин исми ҳосил бўлади.

Шоирнинг ўзбек тилидаги муаммолари орасида рубойи-муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар ишқ-муҳаббат темасидадир. Масалан, Заҳир исмидаги муаммо:

Халқ ичра зуҳури ҳусн ул симинбар,
Кўргузди ва ё бўлди қиёмат яксар.
Ким жилвагар эрди гар кичик, ёхуд улуғ
Бир-бир ҳаракатин айлади зеру забар⁵⁵.

Бу муаммо тасҳиф амалининг таҳрик услубида ечилади. Яъни ишора орқали араб графикасида ёзилган сўзнинг ҳаракатлари ўзгартирилади. Биринчи мисрада-

⁵³ Девони Фони. 231-б.

⁵⁴ Алишер Навоий. Наводирӯш-шабоб. 724-бет.

⁵⁵ Уша асар. 721-бет.

ги «Зухур»— ظُهر «намоён бўлиш» сўзидаги ҳаракатлар зер ва забарга айланса, ظُور Заҳир исми ҳосил бўлади. Агар гўзал ҳуснини «Зухур» ёки «намоён» қилса, ҳамма кичик ва улуғ ёшдаги кишилар унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, ўз ҳаракатларини остин-устун қилдилар. Муаммода ҳам ҳаракатлар, яъни белгилар остин-устун бўлади, ёки зеру забарга айланади.

Навоийнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган муаммолари орасида ҳар биридан икки ном чиқадиганлари ҳам мавжуд. Масалан, Боқи ва Боқир исмларига айтилган ушбу муаммода ёр юзи жаннат гулига, оёғининг кафти жаннат насринига ўхшатишган:

Жаннат гулу насринига бўлсанг муштоқ,
Гаҳ ёр юзига, гаҳ кафи пойига боқ⁵⁶.

Муаммо интиқод ва таълиф қондаси билан ечилади. «Ёрнинг юзига боқ» иборасидан «ёр»— يار нинг юзи ی ҳарфига «боқ» باق қўшилса, باقى бўлади. «Ёр кафи пойига боқ» иборасидан يار ёрнинг кафи пойи ر ҳарфига «боқ»— باقر кўшилса Боқир исми ҳосил бўлади.

Самуд исмидаги муаммо тародиф ва тасҳиф қондасида ечилади:

Танимда доғлар узра ғаминги, ўртади доғ,
Кўринди ўзгача ул доғдин танимда фаро⁵⁷.

Тародиф қондасига асосан «кўринди» сўзининг муродифи тожикча «намуд» نمود сўзидир. Унинг танидаги доғи ўзгача кўринса, яъни нуқталар кўпайса, نمود Самуд ҳосил бўлади.

Ҳисоб ва тародиф қондаси билан ечиладиган Зуннун исмидаги муаммода шоирнинг ёр висоли йўлида юзи олтинга айланиши шундай таърифланади:

Васли саъйидин эмиш ишқ аҳли ичра можаро
Завқдин кўрким юзум олтиндек ўлмиш ишқ аро⁵⁸.

Муаммо иккинчи мисрадаги ишорага асосан ечилади. «Завқ» ذوق сўзининг юзи, яъни ق ҳарфи (чунки у

⁵⁶ Уша асар. 715-бет.

⁵⁷ Уша асар. 716-бет.

⁵⁸ Уша асар. 818-бет.

абжадда юзга тенг) «олтун» **ذوالنون** га айланса **ذوالنون** бўлади. Тародиф қондасига кўра бу сўз ҳамшакли **ذوالنون** Зуннун бўлади.

Алишер Навоийнинг муаммодаги маҳорати ўз навбатида шоирнинг «Девони Фоний»га кирган муаммоларида ҳам яққол намоён бўлади.

Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида «Девони Фоний»га кирган шеърларнинг жанри ва ҳажми ҳақида гапирганда, унга 500 га яқин форс-тожик тилидаги муаммо киритилганини қайд қилади⁵⁹. Лекин «Девони Фоний»нинг ҳозир Париж миллий кутубхонасида 1345 ва 285 номерли инвентарь билан сақланаётган энг мўтабар қўлёзма нусхаларида муаммолар сони 373 та.

«Девони Фоний»даги муаммолар мазмун ва санъат жиҳатидан ажралиб туради. Унинг тематикаси рангбаранг бўлиб, шоир лирикасидаги деярли ҳамма мавзулар ўз аксини топган. Севги-муҳаббат, замондан шикоят, дин аҳллари танқид ва ахлоқий таълимий мавзулар бу муаммоларга сингдириб юборилган.

Масалан, «Исқот» ва таълиф қондасида ёзилган Фаридун исмидаги муаммода давлат аҳллари, мансабдорлар, ҳукмдорларнинг манманлиги фош этилган:

Аҳли давлатро худо бар маснади иззу хуши,
Офариду нест аммо беҳавои саркаши⁶⁰.

(Давлат аҳллари худо иззат ва айш-ишрат тахтига яратди,

Лекин уларни манманлик, қайсарлик ва кибру ҳавосиз яратмади.)

«Офариду»— **أفریدو** сўзидаги алиф **ا** саркашлик қилса ва **نیست** сўзнинг бошидаги **ن** ҳарфи унинг охирига қўшилса, **نوریدون**— Фаридун исми ҳосил бўлади.

Девонда ахлоқий мавзудаги муаммолар ҳам анчагинадир. Бобир исмидаги рубой— муаммода дўстларнинг таърифи ва душманларнинг мазаммати жуда яхши ифода этилган.

Аъдо, ки тариқи рости кам бибаранд,
Аз зикри чамилу касби он беҳабаранд,
З-аҳбоби дилу, зоҳири ононки якест,
Аз ҷустани номи нек аз сар гузаранд⁶¹.

⁵⁹ Алишер Навоий. Асарлар. 14-том. Тошкент. 1967. 125-бет.

⁶⁰ Алишер Навоий. Девони Фоний, 230 б-варақ.

⁶¹ Уша асар. 232 а-варақ.

(Душманлар тўғрилиқ йўлини кам тутадилар,
Улар яхши гапларни ўрганишдан беҳабардирлар.
Дил аҳллари, дўст кишилар,
Яхши ном ахтариб бошларидан (ҳам) кечадилар.)

«Аҳбоб» — احباب дўстлар яхши ном ахтариб бошларидан кечсалар باب қолади. «Зоҳир» — ظاهر даги ҳарфи унга қўшилса, بابир Бобир исми ҳосил бўлади.

Ифтихор исмига бағишланган муаммода гулдан гулга сакраб ўтмоқчи бўлган булҳавас «ошиқ»лар танқид қилинган:

Дил, ки чўяд ком ҳар чониб з-гулзори дигар,
Фош гуфтам, то бибинад ҳар тараф хори дигар⁶².

(Дил ўзга гулзорнинг ҳар тарафидан мақсад истаса,
Очиқ айтаман, ҳар томонда яна ўшандай тиканларни кўради).

Муаммо тасмия ва таълиф қондаси билан ечилади. Яъни, «ком» — کام мақсаднинг дили | ҳарфи бўлиб, унга «фош гуфтам»дан ف «то бибинад»дан ت қўшилса, فت бўлади. Энди иккинчи тарафдан خار — тиканни кўрса افتخار Ифтихор исми ҳосил бўлади.

Пўлод исмидаги муаммода шоир лирикасида камдан-кам учрайдиган ажойиб образ яратилган. Яъни шоирнинг яланғоч дили аза тутиб қора кийиниш учун ёр зулфидан ўриш ва арқоқ қилиб мато тўқийди:

То дили урени ман созад сияҳпўши к-аз ин,
Пуду тор овард охир муттасил з-он зулф бин⁶³.
(Менинг яланғоч дилим қора кийиш учун ёр
Зулфини ўриш-арқон қилиб, бир-биринга улади).

Ўриш — «тор» — дан мақсад алиф ҳарфи бўлиб, арқоқ — «пуд» پود дир. Энди ёр зулфи ل ҳарфи «тор» — | га уланса لا бўлади ва у арқоқ, яъни بود га кирса, د + لا + بو = بولاد Пўлод исми ҳосил бўлади.

Ошиқнинг ёрдан айру фурқатда чеккан меҳнати ва дард-аламлари Довуд исмидаги муаммода яхши ифодасини топган:

Пеши ту агар аён шавад меҳнати мо,
Бо оби ду чашм оташи фурқати мо,
Шак нест, ки дар дилат асар хоҳад кард
Дарди дилу, дуди оқи беғояти мо⁶⁴.

⁶² Уша асар. 232 а-варақ.

⁶³ Уша асар. 233 б-варақ.

⁶⁴ Уша асар. 237 а-варақ.

(Агар сенинг олдингда бизнинг меҳнатимиз, икки кўзимиздан оққан ёшимиз, айрилиқ ўтимиз аён бўлса, кўнгимиз дарди ва ниҳоятсиз оҳимизнинг тутуни шубҳасиз сенинг дилингда таъсир қилар эди.)

Муаммо таълиф ва исқот қондаси асосида рубонининг охири мисраидан ҳал бўлади. Яъни—«дуд» — **دود**— тутуннинг ичига ғоятсиз, охири бўлмаган **و** — **!** алиф ҳарфи кирса, **داود** — Довуд исми ҳосил бўлади.

Талмеҳ қондасида ёзилган муаммолар маълум воқеа ва ҳодисаларга қилинган ишора асосида талмеҳ санъати билан ечилади. Девондаги Искандар номидаги муаммо бунга мисол бўла олади:

Дар саводи зулф сўи чашман нўшат шитофт,

Он, ки баҳри оби ҳайвон шуд базулмоту наёфт⁶⁵.

(Сочинг тунида (қорасида) лабинг ҳаёт чашмаси сари
шошилган (киши)
Зулумотга ҳаёт суви ахтариб бориб, уни топмаган (киши)га
ўхшайди.)

Афсонага кўра ҳаёт суви ахтариб зулумотга кирган ва оби ҳаётни топа олмаган киши Искандардир. Муаммода ёр сочи зулумотга ва лаби ҳаёт чашмасига ўхшатиладир.

Навоий муаммолари арузнинг турли вазнларида, жумладан, ҳазаж, рамал, ражаз, сарий, музореъ, мутақориб, ҳафиф баҳрларида ёзилган. Лекин кўпчилиги учун ҳазаж, рамал баҳрлари характерлидир.

Девонлардан ўрни олган муаммоларнинг тили маълум даражада содда ва тушунарли бўлиб, унда жонли сўзлашув тилида қўлланиладиган иборалар маҳорат билан мисраларга сингдириб юборилган. Масалан, «бағри тош», озор бермаслик маъносида «пашша ҳам қўндирмаслик», «қўлини ювиб қўлтиққа артиш», даъвогар бўлиш маъносида «этагидан ушлаш», «боши осмонга етиш», «кўз очиб юмгунча» каби халқ иборалари усталик билан қўлланилган. Ёки гўзалнинг ариқ бўйига чиқиш манзараси, этагини белига қистириши, сочларига тақинчоқ тақиб чиқиши, гўзалнинг дам ўзбекча, дам тожикча гапириши тасвири ҳам муаммолардаги лирик ҳис-туйғуларни кучайтиришга хизмат қилган.

Алишер Навоий муаммоларида яширинган номларга диққат қилсак, улар орасида адибнинг салафлари, ўз асарлари ва бошқа муаллифларнинг асарларидаги қаҳрамонлар, шоирнинг дўстлари ва танишларининг номларини учратамиз.

⁶⁵ Ўша асар. 230 б-варақ.

Алишер Навоий яхлит муаммолардан ташқари ўзининг дoston, ғазал ва рубойлари, қитъа ва қасидаларини, ҳатто насрий асарларини ҳам муаммо билан безади. Уларни асарнинг умумий йўналишига маҳорат билан бўйсундирди.

Навоий айниқса, асарларида муаммонинг таҳлил ва таркиб, тародиф ва иштирок, истиора ва ташбиҳ, талмеҳ, тасмия, қалб, таълиф, тасҳиф каби қондаларидан фойдаланган. Бунини «Ҳазоинул-маоний», «Хамса» дostonлари ва адибнинг насрий асарларида учратамиз.

Масалан, «Ғароибус-сиғар»дан ўрин олган бир ғазалнинг айрим байтларини олиб кўрайлик:

Оразинг хуршиду, оғзинг заррадин тимсол эрур,
Зарра узра нуқта янглиқ оғзинг узра хол эрур.

Яъни маҳбубнинг оғзи устидаги хол «зарра» زررا устидаги нуқтадир.

Халқ орасида дўсти учун ёки ёри учун «жонни фидо қилиш» ибораси бор. Шоир қуйидаги машҳур рубойида бунини муаммо элементи воситасида беради:

Жонимдаги жим икки долингга фидо,
Андин сўнг алифи тоза ниҳолингга фидо,
Нунини даги анбарин ҳилолингга фидо,
Қолгон икки нуқта икки холингга фидо⁶⁶.

Бунда шоир «жон» — جان идаги ҳарф ва нуқталарни тақсимлайди. Яъни ح нуқтасиз жим ёрнинг икки зулфига, ا алиф эса унинг қаддига, ن нун унинг қошига, .. икки нуқта унинг икки холига фидо бўлди. Муаммо воситасида ҳам «жон» фидо қилинди.

«Бадоеъул-васат»дан ўрин олган бир ғазалнинг қуйидаги байтлари эса муаммонинг таҳлил қондаси асосида битилган:

Ики зулфинг кўнгул домн, не янглиғ асрай ул қушни,
Ани тутмоққа жид маълум ўлур чун жиму долингдин.
Нечукким бўлса дил лафзиға нуқта зул бўлур ҳосил,
Мазаллат икки айрилгон кўнгулға етти холингдин.
Латофат суйи ул юз, жим ила лом икки ёндин зулф,
Бу сўзн фаҳм айлар баҳравар бўлгон жамолингдин⁶⁷.

Ёрнинг икки зулфи, яъни муаммо қондасида ج ва د ошиқ кўнглини овлашда ج жид — тузоқдир. Кўнгул —

⁶⁶ Алишер Навоий. Ғароибус-сиғар. 742-бет.

⁶⁷ Алишер Навоий. Бадоеъул-васат. 159-бет.

дил — **دل** сўзига нуқта қўйилса, **ذ** зул — икки сўзи ҳосил бўлади. Яъни шоир дилига ёр холидан нуқта етиб икки зулфига етишади.

Ёрнинг юзи латофат сувидан иборат бўлиб, икки ёнидан икки зулфи, яъни **ج** ва **ل** осилиб туради. Ёрнинг «жамол» **جمال** идан баҳраманд бўлган киши буни билиши мумкин. Яъни «жамол» — **جمال** сўзининг икки томони **ج** ва **ل** ҳарфлари бўлиб, ўртадаги латофат суви «мо» — **ما** дир (араб тилида «мо» — **ما** сув демакдир). Бу кейинги байт тародиф ва таълиф қоида-сида ёзилган Жамол мафҳумидаги муаммодир.

Алишер Навоий лирикасидаги муаммо элементлари-ни адибнинг «Тухфатул-афкор» қасидасида янада яққолроқ кўриш мумкин. Бу қасидадаги «Хусрави беоқибат» муаммосига ўз даврида навоийшунос олимлардан С. Айний ва Н. М. Маллаевлар диққатни жалб қилган эдилар. Бу фалсафий қасиданинг 11 байти муаммо во-ситасида ёзилган бўлиб, шоир ўзининг маълум қайд ва мулоҳазаларини шу жанр орқали исбот қилади.

1) Шаҳ, ки ёд аз марг н-орад з-ўст вайронни мулк,
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст⁶⁸.

(Ўлимни эсламаган шоҳдан мамлакат вайрон бўлади,
Оқибатсиз Хусрав — подшоҳ мамлакат ва шаҳарларнинг
эиётидир).

Агар «Хусрав» — **خسرو** оқибатсиз бўлса, яъни унинг охиридаги ҳарфи бўлмаса **خسر** хуср — зиён сўзи қо-лади. Бу байт муаммонинг исқот (ҳарфлар ва нуқта-лар ташлаш) қойдаси асосида ёзилган. Бу байт шар-ҳини С. Айний ўзининг «Алишер Навоий» асарида ва Н. М. Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида баён қилганлар.

2) Лофи беваҷҳи ҳақим омад баназди аҳли дил,
Офати беҳад бар Афлотун агарчи афсар аст.

(Ҳақимнинг ўринсиз лофи, агарчи Афлотунга тож бўл-са ҳам, дил аҳллари олдида катта офатдир.)

«Лоф» — **لافى** агар беважҳ, яъни юзсиз бўлса, ёки ол-динги ҳарфи кетса, **افى** оф қолади. Бу **افى** гарчи «Афло-тун» **افلاطون** нинг тожи бўлса ҳам, асли ҳадсиз, яъни

⁶⁸ А. Навоий. Асарлар. 5-том. 2-кит.б. 246-бет.

охири бўлмаган «офат» — **آفت** дир. Чунки **آفت** ҳадсиз бўлса, **اف** қолади.

3) Ранги зарди ошиқи фони бувад аз тири ишқ,

Ҳамчу сафро к-аш алиф шинад банаҳлу асфар аст⁶⁹.

(Фоний ошиқнинг сариқ юзи ишқ ўқидан сафрога айланади,

Чунки сафро олдига алифга ўхшаш ўтирса, асфар — сариқ бўлади.)

«Сафро» **صفر** сўзи охиридаги алиф, яъни ишқ ўқи унинг олдига келиб ўтирса **اصفر** асфар — сариқ сўзи ҳосил бўлади.

4) Ҳокими норостиро оқибат саргаштагист,

Давр гардад беалиф онроки гўи довар аст⁷⁰.

Тўғри бўлмаган, яъни золим ҳокимнинг оқибати саргашталиқдир. Чунки «довар» — **دوار** — ҳоким сўзи алифсиз қолса, яъни тўғри бўлмаса **دور** давр — «айланиш» бўлиб қолади.

5) Мулкро аз маркаби ду шаҳ вазад боди футур,

Чун зи Қайсар Қайсар омад нукта ҳосил сарсар аст⁷¹.

(Икки шоҳнинг отидан мамлакатга футур шамоли эсади. Чунки «Қайсар» **قيصر** подшо сўзининг устига «Қайсар» келса, ёки «қайсар» сўзидаги «қай»нинг бошида «сар» — **ص** келса «сарсар» **صص** сарсар бўлади ва «подшо» ўрнига «қаттиқ шамол» ҳосил бўлади.) Бу байтда Навоий ўзаро тахт талашувчиларнинг мамлакат учун зарарли эканлигини муаммо йўли билан исбот қилади.

6) Дил, ки набвад жамъ дар мадди ҳаёташ кўтахист,

Аз паришони қасираш хони он к-ў Қайсар аст⁷².

(Дил агар хотиржам бўлмаса, унинг узун ҳаёти қисқаради,) Чунки «қайсар» — **قيصر** подшо сўзини паршон қилиб ёки ҳарфларини ўзгартириб ўқилса «қасир» — **قصير** қисқа — нуқсонли сўзи ҳосил бўлади. Бунда муаммонинг «қалби жаъли» қондаси қўлланилган. Шоир бир ғазалидаги:

⁶⁹ Уша асар. 350-бет.

⁷⁰ Уша ерда. 354-бет.

⁷¹ Уша ерда.

⁷² Уша ерда.

Хотирни жамъ истар эсанг аввал хавотир дафъин эт,
кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлгуси,

байтидаги ғояни муаммо орқали берган.

7) Меҳнати ифлоси муфлис дар гарони Қоф дон,
Қоф чун шуд фоқа беҳад гашт в-ин мушкилтар аст⁷³.

(Камбағалнинг қийин меҳнатини оғирликда қоф тоғи деб бил, чунки «фоқа» — فاقه камбағаллик беҳад бўлса, яъни охири бўлмаса ва айланса «қоф» — قاف бўлади.)

Бу байтда муаммонинг «қалб» ва «интиқод» қоидалари қўлланилиб, камбағалчиликнинг оғир меҳнати тасвирланган.

8) Маънии Ширин бувад ширин чи гар содаст лафз,
Ҳам шакар бошад шакар, бе нуқта гарчи суккар аст⁷⁴.

Гап содда бўлса ҳам, ширин маъно ширинлигича қолади. Чунки «шакар» شکر сўзи безакли (нуқтали) бўлса ҳам, лекин безаксиз سكر суккар ҳам шакардир.

9) Чашми комил чашман Хизр асту бошад ҳар ду айн,
3-ин ду ҳар якро касе к-ӯ ёфт умри бемар аст⁷⁵.

Мазмуни ва ҳалли:

Етук кишиларнинг кўзи Хизр чашмасидир, бу иккала кўздан кимки бирини топса, абадий умр топган бўлади. Бу байтда муаммонинг «иштирок» амали қўлланилиб «чашм», «чашма» ва «айн» сўзлари орқали рамз ва иймо билан комил кишилар улуғланмоқда.

Муаммо элементлари «Хазоинул-маоний»даги сарлавҳаларда ҳам мавжуд. Ҳар тўрттала девондаги радифларга қўйилган сарлавҳаларда муаммонинг «интиқод» услуби қўлланилган.

Масалан:

1. «Алиф ҳарфининг офатларининг ибтидоси ғароибдин».

2. «Дол ҳарфининг дилоромларининг даврони «Наводир»дин».

3. «Нун ҳарфининг нозанинларининг нози «Бадоеъ»дин».

4. «Мим ҳарфининг маҳбубларининг малоҳати «Фавоид»дин». «Фавоид ул кибар» девонидаги қитъаларга қўйилган қуйидаги сарлавҳани кўрайлик.

⁷³ Н а в о и й. Асарлар. 5-том. 2-китоб. 354-бет.

⁷⁴ Уша ерда.

⁷⁵ Уша асар. 356-бет.

«Ошнолиғ бобидаким, аввали ва охири алам ва офат ибтидосидур ва шин ва нуни шайн ибтидо ва интиҳоси». Бу сарлавҳа «ошно» мафҳумига айтилган муаммодир. Яъни «Ошно» — آشنا сўзидаги икки алиф «алам» الم ва «офат» آفت сўзларининг бошланишидир. Ундаги «шин» — ش ва «нун» ن эса «шайн» شين нуқсон сўзининг боши ва охиридир. Бунда шоир ўз замонида ҳақиқий ошноларнинг кам топилишини муаммо йўли билан кўрсатган.

Муаммо юқорида қаламга олинганидек насрда ҳам келиши мумкин. Абдураҳмон Жомий «Рисолаи муаммои сағир» асарида шу масалага тўхтаб муаммо назмда кенг тарқалганидек насрда ҳам келиши мумкин, балки воқеъдир, — деб ёзган эди⁷⁶.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достони сарлавҳаларида ва айрим байтларида, «Фарҳод ва Ширин» достонида, «Маҳбубул-қулуб»да, «Муншаот»да ҳам муаммолар кўп учрайди.

«Ҳайратул-аброр» сарлавҳаларидаги муаммо элементларига ўз даврида мазкур асарни нашрга тайёрлаган олим, филология фанлари доктори С. Муталлибов изоҳ берган эди⁷⁷.

«Ҳайратул-аброр»нинг V мақолатида инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири карам ҳақида сўз борганда муаммонинг «қалб» ва «тасҳиф» амаллари қондаси қўлланилиб, карам, сахийлик, бахиллик, исроф ва итлоф хусусиятлари очилади:

«Карам васфидаким, қалби дирам марги дурур, балки раҳмат шажарасининг барги. Ва бухлким сахо қалбидин холи бўлса, ниҳоятсиз бало бўлур. Ва базл сурати кўргузмаса мурувватдин ҳадсиз хало. Ва исроф нафийким ҳар ёнидин боқса офати беҳад эрур ва итлоф мазаллатиким, кўпроқ ҳарфи лофдур»⁷⁸. Бу сарлавҳанинг муаммолик хусусияти:

- 1) «карам» — كرم нинг қалби — тескариси «марг» — مرگ ўлим бўлиб, кимки карамли бўлса, дирамни, яъни тангани ўлдириши ёки бошқаларга бериши керак.
- 2) «Бухл» — بخل бахиллик сўзи қалби, яъни юра-

⁷⁶ Абдураҳмон Жомий. Рисолаи муаммои сағир. ЎзССР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 3783. 2 б-варақ.

⁷⁷ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Тошкент. Ўздавнашр. 1940.

⁷⁸ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. 1960. 67-бет.

ги ўртасидаги «Хо» خ дан холи бўлса بل қолади. Бу эса, ниҳоятсиз, яъни охири бўлмаган بلا балодир.

3) «Исроф» اسراف — бу беҳад офат, яъни охири бўлмаган آفت дир.

4) «Итлоф» — اطلاق яъни «барбод бериш» сўзи беш ҳарф бўлиб, кўпроқ ҳарфи, яъни учтаси «лоф» لاف дир.

Еттинчи мақолатда инсониятдаги бир-бирига қарама-қарши бўлган қаноат ва тамагирлик хусусиятлари ҳақида шундай дейилади:

«Қаноат бобидаким, айни жуъдин айрилса, замзами нажот қаноти, балки салсабил ҳаёт сари учмоқнинг қаноти дурур ва паришон тамаким мазаллат заҳри таъми мазоққа еткурур ва қонеъким кўзи узра қон мавж урса, иззати бор ва томеъким, олтун маснад узра ором тутса, мазаллати бор»⁷⁹.

Бу парчанинг муаммолик маънолари қуйидагича:

1) «қанот» — قناعت сўзидаги ع ҳарфи جوع — очлик сўзидан айрилса, «қанот» — قنات қолади. Бу нажот булоғига учиш учун қанотдир.

2) «Тамаъ» طمع — сўзи паришон бўлса, яъни ҳарфларининг ўрни алмашса, طمع бўлади. Бу хор-зорлик заҳарининг таъми бўлиб, ўлимга олиб келади.

3) «қонеъ» — قانع — қаноатлининг кўзи ع — айн бўлиб, ундан «қон» — قان авж уриб турипти. Шундай бўлса ҳам у иззатли, яъни قانع дир.

4) «Томеъ» — (тамагир) طامع нинг тахти ط яъни طلا «тилло» сўзининг боши бўлиб, олтин тахтда ўтирса ҳам, у хор-зордир.

Худди шу бобда қаноатли кишиларнинг кам топилиши ҳақида:

Бордур агар фикр ила топсанг вуқуф.
Қонеъу анқода мувофиқ ҳуруф

деб айтилади. Яъни «қонеъ» — قانع ва «анқо» — عنقا сўзларидаги ҳарфлар бир хилдир ёки қаноатли кишилар топилмайди демакдир. Яна:

⁷⁹ Уша асар. 75-бет.

Шоҳ агар ул бўлсаки муҳтождур,
Ҳарф ила муҳтожга ҳам тождур.

Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,
Шаҳ дели бу важҳ ила муҳтожини,

яъни тожи бор киши шоҳ дейилмайди. Муҳтож бўлмаган киши шоҳ дейилади. Агар тожга қараб шоҳ десак, «муҳтож»— **محتاج** ни ҳам шоҳ дейиш керак бўлади.

Чунки унда ҳам «тож» **تاج** — бор.

Саккизинчи мақолатда вафо инсоннинг энг яхши фазилати эканлиги муаммонинг ташбиҳ ва ҳисоб усулида берилади ва шоир ўз даврида вафоли кишиларнинг кам топилишини рамз ва нймо воситасида усталик билан баён қилади.

«Вафо бобидаким, «вови» семурғ «син»нинг даҳякидек ниҳондурур ва «фо»си қоф тоғи остидаги «фо»дек аён ва «алиф»и кимё тубидаги «алиф нишонаси ва нуқтаси меҳригиё бўтасининг донаси. Бас буларни тама қилгон кишининг иши сув сатҳида югурмак бўлғай ва қора ерда кема сурмак»⁸⁰.

Бу сарлавҳанинг муаммолик маънолари:

1) «вафо»— **سیدورغ** ва **وفا** сўзининг ҳарфи «Семурғ»— **سیدورغ** сўзидаги **س** синнинг даҳяки, яъни ўндан бири (**س**— ҳарфи абжод ҳисобида 60 бўлиб, унинг ўндан бири 6 ва **و** ҳарфи ҳам 6 га тенг) яширинган.

2) «вафо»— **فان** нинг **ف** си эса, «қоф» **قاف** тоғи остидаги **ق** дек аён (лекин қоф тоғининг номи бор, ўзи йўқ).

3) «вафо» **وفا** нинг «алиф» **ا** и эса «кимё»— **کیمیا** сўзининг остидаги алифдир. Яъни бу ҳам кам топилади.

4) **وفا** — даги нуқта эса, меҳригиё дарахтининг меваси.

Навий муаммо йўли билан инсоннинг энг яхши фазилати бўлган вафонинг семурғ каби топилмас, қоф тоғидек буюк, кимё каби соф ва меҳригиё дарахтининг меваси каби азиз эканлигини тасвирлайди. «Вафо» сўзидаги бу ишоралар билан тасвирланган мафҳумлар ноёб нарсалар бўлганлиги учун, дейди шоир, вафоли кишиларни излаш сув устида югуриш ва қора ерда кема суриш билан тенгдир.

⁸⁰ Уша асар. 80-бет.

Достоннинг ўн биринчи мақолатида шоир илм ҳақида:

«Илм сипехрининг баланд ахтарлиғидаким, жаҳл тунини ёрутмоқ учун «айн»и қуёшдин, «лом»и ойдин ва «мим»и кундуздин нишона айтур»⁸¹ дейди.

Бу асли «илм» сўзига айтилган муаммо бўлиб, тасмия» (ҳарф исмидан маъносини олиш) ҳисоб (абжад ҳисобига ишора қилиш) ва талмеҳ (машҳур темаларга ишора қилиш) қондалари қўлланилган. Яъни «илм» علم сўзи уч ҳарф бўлиб ع айн ҳарфи қуёш (араб тилида «айн» عين қуёш демакдир). «Лом»— ل ой (ل ҳарфи абжад ҳисобида 30 га тенг, бир ойда ҳам 30 кун бор) «мим»— م и кундуз (талмеҳ қондасида «явм» يوم — кундуздан م ҳарфи олинади)дан олинган дейилади ва бу билан илм нодонлик қоронғилигини ёритиш учун қуёш, ой ва ёруғ кун эканлиги муаммо йўли билан исбот қилинган.

Ингирманчи мақолатдаги «адл бобида» «адл» сўзининг ҳар бир ҳарфи таъмия йўли билан шарҳ қилиниб, адолат улуғланади:

Адлки уч ҳарф ила мақрун эрур,
Ҳар бирига ўзгача мазмун эрур:

«Айн»и анинг меҳре эрур тобнок,
Зулм қаро шомини қилмоққа пок.

«Дол»и дағи давлат у дин тожидур,
Дин била давлат эли муҳтожидур.

Ҳурға гису қуйиғи «лом»и бил,
Иззу шараф қушларнинг домн бил⁸².

«Адл» عدل сўзи уч ҳарф бўлиб, ундаги ع ҳарфи ёритувчи қуёш «айн» қуёш демакдир), د дол ҳарфи эса «давлат»— دولت ва «дин» دين сўзларининг тожи, яъни бош ҳарфи ва ل ҳарфи эса ҳурнинг кокилидир. (Муаммода ل ҳарфи сочга ўхшатилади). Бу ерда муаммонинг тасмия, интиқод ва ташбиҳ амалларидан фойдаланилган.

«Хамса»нинг бошқа достонларида ҳам муаммо элементлари мавжуд. «Фарҳод ва Ширин» достонида шоир Ширин саройидаги ўн олима қизларнинг ҳар бирини

⁸¹ Уша асар. 94-бет.

⁸² Уша асар. 137-бет.

шоира, музикачи, раққоса, астроном, физик, математик ва муаммо устаси деб таърифлайди:

Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб,
Муаммода бириси от чиқориб⁸³.

Бу байтнинг иккинчи мисраининг ўзида ҳам икки маъно бор. Яъни шоир бу олима қизни «муаммо фанида машҳур бўлиб ном чиқарган» ва «муаммолардан усталик билан исм чиқарувчи — топувчи» деб таърифлайди.

«Фарҳод ва Ширин»да Фарҳоднинг номи икки вариант билан муаммо қоидаси асосида берилган. Улардан бири:

Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард⁸⁴.

Бу интиқод қоидасига асосан «фироқ» — فراق , «рашк» رشك , «ҳажр» هجر , «оҳ» آ ва «дард» درد сўзларининг ибтидоси, яъни олдинги ҳарфларининг таркиб топишидан فرهاد — Фарҳод ҳосил бўлади.

Иккинчи варианти:

Жамолидин кўрингач фарри шоҳи,
Бу фардин ёруди маҳ то бамоҳи.
Қўюб юз ҳиммату, иқболу давлат,
Ҳамул фар соясидин топди зийнат.

Бу муаммо интиқод ва тансис қоидаси билан ёзилган бўлиб, «фар» فر нурнинг сояси остига «ҳиммат» همت , «иқбол» اقبال ва «давлат» دولت — сўзларининг юзи, яъни бош ҳарфи кирса, فرهاد Фарҳод исми ҳосил бўлади.

Алишер Навоийнинг прозаик асарларида ҳам муаммо элементларининг кўриниши характерлидир.

«Маҳбубул-қулуб» ва «Муншаот» асарларида қатор муаммо намуналари мавжуд. «Маҳбубул-қулуб»нинг «Қотиблар зикрида», «Вузаро зикрида» фасллари, «Муншаот»даги иккинчи ва тўртинчи мактублар бунга мисол бўла олади.

⁸³ Алишер Навоий. Ҳамса. 255-бет.

⁸⁴ Бу муаммонинг ҳаллини С. Айний Навоий «Ҳамса»сини қисқартириб нашрга тайёрлаганда ва Н. Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» дарсликларида берганлар (Қаранг: Навоий. Ҳамса. Тошкент. 1947, 86-бет). Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 508-бет.

Навойй асарларига чуқур кириб борган сари уларнинг янги-янги маънолари англашилади. Бу ҳақда улуғ адибнинг ўзи «Фавоидул-кибар» девонида:

Назмим ичра ғариб маънилар,
Ғурабо хайлидин нишонадурур.
Анда ҳар байт неча маъни ила
Байт эмаским ғарибхонадурур,⁸⁵—

деб айтган эди. Бу қитъада тародиф қондаси қўлланилган бўлиб, қитъани бир неча маънолар билан шарҳлаш мумкин. Ундаги «ғариб» сўзи «ғариб» ва «ажойиб» маъноларида, «байт» сўзи «байт» ва «уй» маъноларида, «ғарибхона» сўзи «ғариблар уйи», «ажойибхона» ва «ажойиб бир уй» маъноларида қўлланилган.

Шунга кўра, Навойй муаммолари ҳақида сўз борганда адибнинг бу жанрдаги яхлит асарларидан ташқари, унинг бой мероси ичида сочилган, дастлабки қарашда кўзга чалинмайдиган муаммоларни белгилаш, уларни шарҳлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Навойй асари, шунингдек адибга замондош бўлган тарихчи ва шоирлар томонидан яратилган муаммо қондаларига оид рисоаларнинг ўз даврида бўлганидек, кейинги асрларда ҳам анча кенг тарқалганини кўра миз. Уларнинг асримизнинг бошларида кўчирилган ва чоп этилган нусхалари ҳам мавжуд. Жумладан, Алишер Навоййнинг «Муфрадот» асари XVI—XIX асрларда ҳам кўчирилди. Бу шуни кўрсатадики, XV асрдан кейин гарчи муаммо жанри кенг ривожланмаган бўлсада, адабиёт мухлислари ўртасида муаммо ва муаммо қондалари ҳақидаги асарларга қизиқиш катта эди.

Ўзбек адабиёти тарихини яратишда, бой адабиётимиз ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишда адабиётимиз тарихининг маълум босқичларида кенг тарқалган ва ривож топган муаммо ва унга яқин турган жанрларни ўрганиш зарурати ўз-ўзидан туғилади.

⁸⁵ Алишер Навойй. Фавоидул-кибар. 834-бет.

ХУЛОСА

Муаммо жанри шарқ адабиётида узоқ тарихга эга бўлиб, у XV аср ўзбек ва форс-тожик адабиётларида сезиларли даражада ривожланди. Абдураҳмон Жомий, Зайниддин Восифий бу борада диққатни тортувчи муҳим ижодий ишларни амалга оширдилар.

Ўзбек адабиётида муаммо жанри намуналарини бошлаб берган, бадиий асарларга муаммо ва унга яқин турган санъатлар билан сайқал беришнинг юксак намунасини кўрсатган Алишер Навоий умуман муаммо жанрини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан бойишига катта ҳисса қўшди. Адибнинг «Муфрадот» асари муаммо назариясини ишлашдаги навбатдаги бир босқич сифатида кўпчиликнинг диққат-эътиборини қозонди. Навоий ўз навбатида жуда кўп туркигўй ва форсигўй ёш муаммогўйларнинг устози ҳам эди. Ана шу назм дарғасининг даъвати ва мадади билан XV асрда муаммо қондаларига онд қатор рисоалалар яратилди. Бу рисоаларнинг муаллифлари ўз асарларига мураббий Навоий номини зўр ҳурмат билан ёзиб қолдирдилар.

Бугунги кунда инсониятнинг порлоқ эртанги кунини ўз меҳнати, ақли ва истеъдоди билан бунёд этаётган совет кишиси ўтмиш мероси ҳақидаги марксча-ленинча таълимот асосида шоир асарларини танқидий ўрганиб, унинг муаммоларида яширинган халқчил орзуларидан кучли руҳий озиқ олмоқда.

Алишер Навоий асарларининг кўплаб манзур нашрларига эгамиз. Лекин шоирнинг муаммо жанрининг назарий ва амалий масалаларини батафсил ёритиб берган «Муфрадот» асари ҳали тўлиқ ҳолда чоп этилган эмас. Алишер Навоий томонидан форсий тилда яратилган бу асарнинг муқоясали матни тайёрланган ва ўзбек тилига таржимаси ҳам амалга оширилган. Унинг нашри галдаги вазифадир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
XV аср адабиётида муаммо жанрининг тараққиёти	10
Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асари ва муаммолари	27
Алишер Навоийнинг ўзбек ва форсий тилларидаги муаммолари ҳақида	46
Бадий асарлари таркибидаги муаммолар	54
Хулоса	64



АЖИРАДИНИ

- 1
- 2
- 3
- 4
- 5

